

...Этиборингизни яна бир ҳолатга қаратсак. Туман ҳокимликлари ҳузуридаги пул-кредит комиссиялари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий иқтисодий-молиявий аҳволи, товар ва пул айланиши кўрсаткичлари инобатга олинмасдан нақа пул тушумининг режалари юзаки белгиланганини кузатиш мумкин...

4 бет

Йиғилган тезкор маълумотларга кўра эр-хотин орасидан қора мушук ўтган, гарчи расман никоҳлари бекор қилинмаган бўлсада, икки-уч йилдан буён алоҳида яшабди. Эр бошқа аёлга шаръий никоҳ ўқитиб, уйланиб олган. Балки, аёли эри гумдон қилгандир? Бошқалари қатори ушбу тахмин ҳам атрофлича текширила бошланди...

8 бет

Н

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган www.huquq-gazeta.uz

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

2010-йил 16-sentabr, №37 (714)

Парламентда

Тараққиёт мақсадлари йўлида

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг ташаббуси билан БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларини Ўзбекистонда амалга оширишнинг боришини ўрганишга, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти соҳасидаги ислохотларни ва демократик ўзгаришларни янада такомиллаштиришни самарали йўллари аниқлашга қаратилган парламент тинглови бўлиб ўтди.

Очиқ мулоқотга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Ҳукумат аъзолари, бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, таҳлилчи олимлар, манфаатдор ташкилотлар, нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари тақдир этилди. Унда Қонунчилик палатаси БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларини Ўзбекистонда амалга оширишнинг боришини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун тегишли вазирнинг ҳамда идоралар раҳбарларининг ахборотларини эшитди.

Маълумки, кейинги 10 йил мобайнида давлат томонидан олиб борилган изчил ислохотлар БМТнинг одамлар турмуш даражасини оширишдан иборат Мингйиллик тараққиёт мақсадларининг кенг қўламда бажарилишини таъминлади. Биргина таълим соҳасида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури ҳам бу борада муваффақиятли жорий этилди. Ушбу дастур ўн икки йиллик яхлит узлуксиз таълим тизимига ўтиш ва таълим жараёнининг сифатини тубдан ошишига, кадрларнинг юксак даражадаги касбий маданиятга эга бўлган янги авлодини тарбиялашга қаратилган махсус чора-тадбирларни кўриш имконини берди. Умумтаълим ўқитиш тизими давлат томонидан кафолатланиши, 7-15 ёшдаги болаларнинг бошланғич ва умумий таълимга қамраб олинishi, шунингдек, аҳолининг саводхонлик даражаси мутлақ ўлчамларга мос келади. Бу эса БМТнинг бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш соҳасидаги Мингйиллик тараққиёт мақсадларининг Ўзбекистон томонидан анча илдам бажарилаётганлигини тўла тасдиқлайди. Бундан ташқари, тиббий хизмат тизими амалда тўлиқ модернизация қилинди. Аҳолига бепул юқори малакали шошилч тиббий ёрдам кўрсатиш учун юксак талабларга жавоб берадиган касалхоналар ва бўлимларнинг ихтисослаштирилган тармоғи ташкил этилиши ислохотларнинг энг муҳим натижаси десак муболага бўлмайди. Шу билан бирга жамиятнинг турли жабҳаларида олиб борилаётган ислохотларда ҳам аҳоли ва ёш авлоднинг ижтимоий муҳофазасига катта этибор қаратилган.

Қонунчилик борасида эса мустақиллик йилларида беш юздан зиёд қонун қабул қилинди, юздан зиёд халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва унинг уйғун

камол топиши масаласига бевосита алоқадор бўлган олтига асосий ҳужжати ратификация қилинди.

Мазкур мулоқот давомида қонун ижодкорлиги ишини ва манфаатдор вазирликлар ҳамда идораларнинг амалий фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Таҳлил якуналари бўйича қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ва мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ижтимоий-иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш, БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадлари йўлида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг парламент ва жамоатчилик мониторингини олиб боришга доир самарали механизмларни аниқлаш бўйича ислохотларни норматив-ҳуқуқий таъминлашнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди. Депутатлар БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларига эришиш бўйича халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда минтақавий ҳамда глобал кооперацияга доир амалий тақдирлар ишлаб чиқиш ниятида эканликларини билдирдилар.

Мулоқот якунида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамасига БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларини Ўзбекистонда рўёбга чиқариш, амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Республика парламентини хабардор қилиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриши тавсия этди.



Янги марказ ишга тушди

Баркамол авлод тарбияси ҳақида қайғуриш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш жамият, оила, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи, инсонийлик масъулиятидир. Бусиз келажақ ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ота-она эса фарзандлар тарбияси учун давлат ва жамият олдида биринчи масъул саналади. Маълумки, миллий менталитетимизда аҳил, тинч яшаётган оила мукамал оила ҳисобланади. Афсуски, қундалиқ турмушимизда нафақат нотўлиқ ва нотинч, ёлғиз оналик, балки тўлиқ оилаларда ҳам балоғатга етмаган ёшларнинг қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари учрамоқда. Бунинг олдини олишнинг энг самарали йўли маҳалла ва оиланинг мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлашдан иборат. "Оила-маҳалла-мактаб" концепцияси эса бу ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилиши лозим.

Республика "Маҳалла" жамғармаси бошқаруви ҳар йили вилоятлар бўлимларидан вояга етмаганларнинг қаровсизлиги

ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бажарилган тадбирлар юзасидан ахборотлар олиб туради. Эътироф этиш керакки, маҳаллаларда улкан ишлар қилинмоқда. Болалар спортини ривожлантириб, муҳтож оилаларга миллион-миллион сўмлаб моддий ёрдам берилаётган, маънавий қўллаб-қувватлаш тадбирлари ўтказилмоқда. Аҳоли ўртасида суҳбатлар олиб борилмоқда. Лекин айни пайтда бу ахборотларни умумлаштириб ҳулосаларга келиш, зарурий тавсиялар бериш ишларини қониқарли деб бўлмайди.

Шу ва шу каби қундалиқ турмушимизда учраётган камчиликларнинг ўрнини тўлдириш, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида Наманган вилояти, хусусан, Учкўрғон тумани прокуратураси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунга яқинда туман прокуратураси биносидан ташкил этилган "Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир ишларни ташкил этиш маркази"ни мисол қилиб олиш мумкин.

/Давоми 3-бетда/

Ёшлар ишга жойлаштирилмоқда

Козимжон ЗОХИДОВ,
Фаргона шаҳар прокуратурининг катта ёрдамчиси



Фаргона шаҳар прокуратураси ишсиз фуқароларни ҳисобга олиш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги қонунчилик ижросини доимий равишда таҳлил этиб бориш билан бирга бандликни таъминлаш воситаларидан бири — бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш ташаббуси билан ҳам чиқмоқда.

Юртбошимиз томонидан эълон қилинган "Баркамол авлод йили"да ёшларни, хусусан, шаҳар ҳудудидagi касб-хунара коллежлари ва академик лицейларни тугатган йигит-қизларни танлаган со-

ҳаларида иш бошлашларига кўмаклашишга алоҳида этибор қаратилмоқда. Мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ташкил қилинаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари бунинг яққол исботидир.

Навбатдаги тадбирни ўтказиш арафасида маҳаллий матбуот, телевидение орқали берилган эълонлар, гапжум жойларга ўрнатилган паннолар орқали иш излаётганлар ярмаркага тақдир этилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, ИИБ, ижтимоий кўникма ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан ишсиз фуқаролар, жазони ўташ жойидан бўшатиладиганларнинг ҳам ярмаркада иштирок этишлари таъминланди.

3500 нафардан зиёд ишсизлар, шу жумладан, 1500 нафар битирувчи ёшлар Аҳмад ал-Фаргоний номили истироҳат боғида ташкил этилган ярмаркага таширф бўйиб, "Фаргонаазот" ОАЖ, Фаргона механика заводи шўба корхонаси, "Автоойна" ОАЖ, "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси ҳамда Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи каби 120 та корхона ва муассасалар, 118 та кичик бизнес корхоналари томонидан кўргазмага қўйилган касб-кор-

ларга эҳтиёж, иш шaroитлари ва иш ҳақи кабилар билан танишдилар. 1059 нафар фуқаро, жумладан, 506 нафар ёш-йигит қизлар ўзларига маъқул ишларга жойлашишга муваффақ бўлишди. Уларга ишга йўланмалар бериш билан бирга, меҳнат дафтарчалари топширилди. 60 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. 2381 нафарига "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун, меҳнатга оид бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларига асосан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш билан бирга бандликка кўмаклашиш маркази, тааллуқли муассасаларнинг иш фаолиятларини янада фаоллаштириш орқали ишсизлик муаммосини ҳал этиб бориш, аynиқса ёшларни доимий иш билан таъминлаш борасида ҳам белгиланган режалар асосида мунтазам ишлар олиб борилмоқда.

Ноқонуний савдога йўл йўқ

Фароҳиддин ИБРАГИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Андижон вилоят
бошқармаси бошлиғи ўринбосари
М.ОРТИКОВА,
журналист

Тадбиркорликка қўл уришдан олдин унинг қонун-қондаларини ўрганиш лозим. Акс ҳолда тадбиркор билиб-билмай жиноий фаолиятга йўл қўйиши мумкин. Бунга қўйидаги воқеалар мисол бўла олади.

Спиртли ичимликлар савдосини текшириш вақтида Қўрғонтепа туманидаги "Меҳринисо ва Машҳура" хусусий корхонасига қарашли дўконда рухсат гувоҳномасининг муддати тугаганлигига қарамадан сотувчи Д.Мелибоев харидор Р.Ҳайдаровга икки шиша "Медовая" ароғи ва 2 та "Қора марварид" виносини 21 500 сўмга сотаётган вақтда ушланди.

Тадбир давомида бу дўкондан 8 миллион 376 минг 600 сўмлик спиртли ичимликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ўтказилган экспертиза натижасида "Абсолют", "Россия" ароқлари ва ундаги акциз маркалари давлат стандартлари талабларига жавоб бермаслиги ҳамда қалбаки эканлиги аниқланди.

Ҳужабод тумани, Олтин водий ҚФЙ, "Ўзбекистон овози" кўчасида яшовчи Гулчехра Қодирова ўзининг хонадонида ноқонуний равишда ароқ ишлаб чиқариш учун яширин цех ташкил этганлиги ҳам фош этилди. Тадбир чоғида унинг уйдан 31 литр спирт ва ароқ ишлаб чиқариш мосламалари, турли қопқоқлар, шиша идишлар, 243 дона акциз маркази, 342 дона "Андижон СВ" номли ароқ ашёвий далил сифатида олинди.

Аҳмаджон Ибрагимов маънавият-маърифат тарқатувчи жойда, яъни Избоскан туманидаги 25-сонли умумтаълим мактабида электр монтер вазифасида ишлайди. Лекин у ҳам уйда қонунга хилоф равишда қўлбола усулда ароқ тайёрлашни йўлга қўйиб олган. У 55 шиша "Андижон СВ" ароғини 110 минг сўмга сотаётган вақтда тумшугидан илинди.

Аёл кишининг ароқ савдоси билан ноқонуний шугулланишига нима дейсиз. Жалақудук тумани, Жалақудук ҚФЙ, "Бойғўли" кўчасида яшовчи Дилфуза Йўлдошева ўз уйида 150 шиша "Россия" ароғининг ҳар бир шишасини 2400 сўмдан, жами 360 минг сўмга сотаётган вақтда ушланди. Ўтказилган тезкор қидирув ҳаракатлари натижасида у ушбу спиртли ичимликларни қайта сотиш мақсадида қуёви Яшарбек Расуловдан, ўз навбатида у эса "Қадақсон" кишлоғи, Ўзбекистон кўчасида яшовчи Анвар Аҳмадуновдан сотиб олганлиги аниқланди.

Ўтказилган экспертиза натижасида ушбу ароқ маҳсулотлари давлат стандарти талабига жавоб бермаслиги ҳамда истеъмолчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли эканлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Барқарорликни таъминлаш йўлида

Ш.АТАЕВ,
Шарқий ҳарбий округ
ҳарбий прокурори

Ўзбекистон Республикаси инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги ва фуқаролар тинчлиги, миллий тотувлиги таъминлашга интилиши Асосий қонунимизнинг муқаддимасида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз ҳукумати ва халқи мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш билан бирга ташқи ва ички таҳдидларга қарши курашувчи кам сонли, ҳаракатчан ва замонвий қуроллар билан қуролланган Қуролли Кучларни ташкил қилишга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Жамият ва давлат қурилишида туб ислохотлар баробарида Ўзбекистон Қуролли Кучлари доимий равишда тақомиллашиб, ўз тарихини жаҳон андозаларига мослаб бормоқда. Мамлакатимиз ва минтақа хавфсизлигига таҳдидлар сақлиниб турган ҳозирги шароитда ҳукуматимиз томонидан Қуролли Кучлар салоҳиятини янада ошириш борасидаги ишларни изчиллик билан давом эттириш, бунинг учун янги имконият ва манбаларни сафарбар этиш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Қуролли Кучларимиз олдига қўйилган вазифаларнинг самарали баҳарлигида унинг сафларини тўлдириб турган ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий ҳолати, дунёқараш, бурчи-га садоқати ва албатта, уларнинг Ватанпарварлик туйғусига эга эканлиги муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислоҳ Қаримов "Ватан ҳимоячилари кучи" муносабати билан эълон қилган байрам табрикларида бирида келгусида ўз ечимини топиши керак бўлган устувор вазифалар қаторида оддий аскарлар, сержант ва офицерларнинг яшаш ва хизмат шароитларини ижти-

моий-маиший нуқтаи назардан тубдан қайта қўриб чиқиш ва яхшилаш, уларнинг машаққатли ҳарбий хизматида муносиб таразда давлат томонидан эътибор берилиши, шунингдек, ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан ва халқ олдидagi муқаддас бурч, деб биладиган мард жангчиларимизнинг оғир ва масъулиятли меҳнати муносиб тақдирланиши лозимлигини таъкидлаган эдилар.

Ҳарбий адлия органларининг устувор вазифаларидан бири ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлаш, армиядаги тарбиявий ишларни янада тақомиллаштириш билан бирга, ҳар қайси қақирлуви ва ҳарбий хизматчи онгидa мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлашдан, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлар мужассамлашган, стратегик фикрли оладиган, фаол ҳаётий позицияга эга бўлган ҳақиқий ватанпарварларни камол топтиришдан иборатдир.

Шу муносабат билан ҳарбий прокуратура органлари ёшларни тарбиялаш, ҳарбий хизматга қақирлиш ва тайёрлашни, ҳарбий хизматнинг аёло даражада ўталишини ташкил қилиш, ҳарбий хизматдан кейинги даврда улар масъулиятни ҳис эта оладиган инсонларга айланишида шу соҳага масъул бўлган барча идоралар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳарбий прокуратура органлари томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза этиш, уларга барча турдаги таъминотнинг тўлиқ етказилиши, қўшинлар хизмати-ни ташкил этиш, қурол-яроғларни ва ҳарбий техникани сақлаш, мудофаа мақсадларига ажратилган ресурсларни мақсадли сарфлаш ва фойдаланиш, ҳарбий хизматни ташкил этиш масалаларига, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий

хизмат тўғрисида"ги Қонун ижросига устувор аҳамият берилмоқда.

Ҳарбий хизматчиларни қонун ҳужжатларига қатъий амал қилиш руҳида тарбиялашнинг муҳим таркибий қисми сифатида ҳуқуқий-тарбиявий тушунтирув тадбирлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қонунчилик тарғиботи тадбирларини ўтказишда командирлар ва бошлиқларнинг тақлифига, ўзаро ҳамкорлик режасига асосан ҳарбий прокуратура ходимларининг бевоасита ҳарбий қисмлар ва муассасаларда турли хил мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиши, маърузалар қилиши кенгрок қўланиб, ҳамкорликдаги режаларнинг ижроси таъминланмоқда.

Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси томонидан тарғибот тадбирларининг оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилишига ҳам эътибор берилмоқда. Шунингдек, чегара хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар ва ҳарбий хизматчиларнинг бу борадаги ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида туман ҳокимларининг чегара масалалари бўйича ўринбосарлари, МХХ, Божхона ва ИИБ ходимлари иштирокида кенг ҳажмда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида жиноятчиликнинг камайишига, тинчлик ва барқарорликнинг таъминланишига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ўзбекистонда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар республика фуқароларининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга қартилган чора-тадбирларнинг ёрқин кўринишидир.

Тадбирлар самара бермоқда

Давлат бюджетига солиқлар тўла-нишини назорат қилиш, валюта қимматликлари ноқонуний муомаласини аниқлаш ва бартаф қилиш ҳамда нақд пулнинг банкдан ташқари айланишининг олдини олиш иқтисодий муносабатларни тартибга солишда муҳим омил ҳисобланади. Шунинг эътиборига олган ҳолда, Департаментнинг Урганч шаҳар бўлими томонидан соҳага оид қонун ҳужжатлари ижроси борасида мунтазам таҳлиллар ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган тадбирлар якуни бўйича 37 та жиноят ва 7 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича давлат бюджетига 820 233,3 минг сўм қўшимча солиқлар ҳисобланиб, 38 4540,1 минг сўмлик молиявий жарима қўлланилди. Ўтган 8 ой давомида 224 133,2 минг сўмлик солиқлар давлат ҳисобига ундирилди.

Валютанинг қонунга хилоф равишда муомалага киритилишининг олдини олиш борасида олиб борилган тадбир-

лар натижасида ҳуқуқбузарлардан 10 621 АҚШ доллари, 25 220 Россия рубли ҳамда 45 минг Қозоқ тенгеси ашёвий далил сифатида олинди, давлат эгаллигига ўтказилди.

Шу йилнинг 8 январь куни ўтказилган тадбирда Урганч шаҳрининг "Олтин воҳа" кўчасида яшовчи Т.Жуманиёзов жалб қилинган фуқарога 3 минг АҚШ долларини сотаётган пайтда ушланди. Шунингдек, Урганч тумани Чакка Шолкор кишлоғида Ф.Махмудов ва Урганч шаҳар Фарғона кўчасида яшовчи М.Эсоновлар олдидан келишиб, 2900 АҚШ долларини 6 206 000 сўмга сотган вақтларида ушландилар. Уларнинг ёнидан сотиш мақсадида сақланаётган 321 АҚШ доллари, 7220 Россия рубли ва 45 минг Қозоқ тенгеси топилди, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Барча ҳолатлар бўйича ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқбузарларнинг жавобгарлик масаласи суд томонидан ҳал этилди.

Нақд пул тушумининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш юзаси-

дан ўтказилган таҳлилий ишлар натижасида 3 764 562,6 минг сўмлик ноқонуний нақд пул айланмаси аниқланди.

"Урганчйўловчи ташиш" очик акциядорлик жамиятининг "Хоразмдовусдервистран" шўба корхонасининг фаолияти таҳлил этилганда, корхона томонидан 2009 йил ҳамда 2010 йилнинг дастлабки 5 ойи давомида аҳолига йўловчи ташиш хизмати кўрсатишдан тушган 138,4 млн. сўм нақд пул корхона кассасига қирим қилинмай, НКМдан ўтказилмагани етмаганидек, банк муассасасига ҳам топширилмай, автобусларга ёқилги сотиб олишга ишлатиб юборилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан корхона раҳбари Х.Қурбановга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Урганч шаҳридаги "Urganch Savage" МЧЖ томонидан 2009 йил ва жорий йилнинг 1 мартгача 464 198,0 минг сўмлик товарларни сотилиб, савдодан тушган нақд пуллари банкка топширмай келинганлиги аниқланди. "Хоразм Azia Sistem Savdo" МЧЖ раҳбари Ж.Ҳасанов эса пул ўтказиш йўли билан сотиб

Машарип САИДОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг
Урганч шаҳар бўлими бошлиғи
Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Hudud»

олинган 1 199 093, 0 минг сўмлик тез сотилувчан ва харидорлигига товарлардан 84 584,7 минг сўмлигини нақд пулга сотиб, савдо пуллари банкка топширмасдан бошқа мақсадларга ишлатиб юборган.

Шунингдек, "Хоразм қувонч" МЧЖ мансабдор шахслари пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган жами 2 220 854,6 минг сўмлик харидорлигига маҳсулотларни нақд пулга сотиб, тушган пуллари банкка топширмасдан бошқа мақсадларда ишлатиб юборган. Бундан ташқари, хисоботларни тақдим қилмаслик йўли билан 36 713,7 минг сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товлаб келган.

Барча ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, тегишли жазо чоралари қўлланилиши таъминланди.

Мавсум уюшқоқлик билан ўтказилади

Деҳқонларимиз учун ғалвир сувдан кўтариладиган, орзиқиб кутилган дамлар ҳам етиб келди. Далаларда пахта ҳар қачонгидан ҳам мўл. Эндиги асосий масала – уни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 3 сентябрь кунги "2010 йил ҳосили пахта хомашёсини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бўлган барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Қорақалпоғистонликлар ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирдақоқ ишга жалал қилишиб кетдилар. Мақсад 185 минг тонналик "оқ олтин" хирмонини яратишдир.

Айни мавсумда пахта йиғим-теримида қатнашаётган механизматор ва ишчиларга далаининг ўзида барча қулай шароитлар яратилиб берилди.

Маълумки, ҳосилни тез ва сифатли йиғиб-териб олиш дефляцияларга боғлиқ. Буни ҳисобга олган ҳолда бу йил 76 040 гектар майдонда дефляцияга ўтказиш режалаштирилиб, бунинг учун зарур бўлган дефлянтлар захираси таъминланди.

Дефляция талбирини ўтказиш мақсадида 77 та отряд тузилиб, ҳар бир отрядга ОВХ агрегатлари ва эритма ташувчи агрегатлар бириктирилди. Тадбирга жами 246 та ОВХ агрегатлари жалб қилиниб, унда иштирок этаётган механизматор ва ишчиларга меҳнатларига яраша аванс пуллари тарқатиб берилаётган.

Шунингдек, гўза дефляциясини сифатли ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг фармоиши билан штаб ва ишчи гуруҳлар ташкил қилинган.

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

"Вояга етмаганларга оид қонунлар билан ишлаш", "Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялаш", "Давлат рамазлари", "Қонуларини муҳассамаштириш", "Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш", "Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш", "Одам савдосига қарши кураш" деб номланувчи етти бўлимдан иборат мазкур марказ туманда истикомат қилаётган барча аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, қабул қилинаётган қонун ва фармонларнинг мазмун-моҳиятини аниқлаш, уларни қунидалик турмушда қўллаб билишга ўргатиш каби эзгу мақсадга йўналтирилган.

Шуни алоҳида эътибор этиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарорида бу соҳалдаги қонунлар ижроси устидан назоратни қўлайитириш, вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларни синчиқлаб ўрганилиши ҳамда бартараф этилиши юзасидан қатъий чоралар қўриш прокуратура зиммасига юклатилган.

Вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш зиммасига жиддий масъулият юклайди. Ёшлар тақдирига ким эътиборли муносабатда-ю, ким лоқай қарапти? Мазкур соҳадаги қонунлар ижросига бепарволик қандай оқибатларга олиб келади? Зиммалаги масъулият ана шу каби масалаларни аниқлаш ва ҳуқуқий баҳо беришдан иборат.

Айни дамда далаларда 1064 та терим отряди ташкил қилиниб, ишга 1219 та транспорт воситалари, 2286 та тиркама ва 220 минг нафар теримчи жалб қилинган. "Қорақалпоқсаноат" бирлашмасининг 6 та пахта тозалаш корхоналарига қарашли 43 та пахта қабул қилиш пунктлари мавсумга тўлиқ тахт қилиниб, ёнғин хавфсизлигига қарши махсус техникалар ҳамда сув ҳавзалари билан таъминланди.

Мавсумда қатнашаётган теримчиларга тўлов графиклари ишлаб чиқилиб, ҳар 5 та фермерга 1 тадан банк ходими бириктирилди ҳамда теримчиларга ҳар 5 кунда пахта терими пулларини тарқатиб берилиши белгиланди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан мунтазам назорат олиб борилмоқда. Республика прокуратураси органлари томонидан жойларда ўтказилган мониторинг давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 144 та тақдимнома киритилиб, 1624 нафар шахс келгусида қонунбузилишларга йўл қўймайлик ҳусусида огоҳлантирилди. 69 нафар шахс интизомий, 308 нафар шахс маъмурий ва 8 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 6 та жиноят иши қўзғатилди ҳамда келтирилган 5783,5 минг сўмлик зарарлар ихтиёрли ундирилди.

Жумладан, Амурдёр туманидаги "Кангли" ОФЙ ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Ешмуратов Ялган" фермер ҳўжалиги раиси Я.Ешмуратов "Қорақалпоқ-қишлоқҳўжаликким" ОАЖ Амурдёр филиалидан 2010 йил пахта ҳосилини етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредит ҳисобидан берилган жами 593 435 сўмлик аммиак селитрасини олиб, пахта майдо-

Жиенбай НАРИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурори вазифасини бажарувчи

нига ишлатмасдан сақлаб қўйган. Натижада ушбу майдондаги пахтанинг ривожланиши орқада қолиб, давлатга 2 млн. 916 минг сўмлик зарар келтирилган. Тумандаги "Чой кул" ОФЙ ҳудудидаги "Сейтбоев Жумабай" фермер ҳўжалиги раиси Ж.Сейтбаев эса "Қорақалпоққишлоқҳўжаликким" ОАЖ Амурдёр филиалидан имтиёзли кредит ҳисобидан берилган 1 млн. 683 минг сўмлик 7 тонна 700 килограмм аммиак селитрасини олган бўлсада, пахта майдонига ишлатмаганлиги туфайли ушбу майдонлардаги гўза ривожланишининг орқада қолиб кетишига сабабчи бўлган ва давлатга 7 млн. 594 минг сўмлик зарар келтирган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан гўза парваришининг агротехника талабларига мувофиқ олиб борилиши юзасидан ўтказилган мониторингга "Намуна" ҳўжалигидан гўза майдонларида гўза яганаси ва бегона ўтлардан тозалаш ва иккинчи култивация ишлари якунига етказилмаганлиги ҳамда агротехника талабларига қатнашиши лозим бўлган 14 та культватордан 10 таси ишлаётганлиги, "Адакаев", "Қумбақсан" ҳўжалигидан 361 гектар гўза майдонларида суспензия сепиш ва бегона ўтлардан тозалаш ишлари кечиктирилётганлиги, ишчи кучлари етишмаслиги ҳамда ҳўжаликда мавжуд бўлган 8 та культватордан 6 таси ишга жалб қили-

ниб, 2 таси турли сабаблар туфайли ишлатилмаётганлиги маълум бўлди.

Ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилиб, 58 та фермер ҳўжаликлари раислари юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймайлик тўғрисида расман огоҳлантирилди ва туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 март кунги "Экинларини пайҳон қилишга қарши кураш чораларини қўлайитириш тўғрисида"ги Қарорининг ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг тадбирларида Қораузақ тумани Бердах ОФЙда истикомат қилувчи фуқаролар С.Сарибаевнинг 1 бош ва А.Надиловнинг 3 бош қорамоллари ушбу ҳудудда жойлашган "Надир сули" фермер ҳўжалигининг чигит экилган майдонларига тушиб, 0,96 гектар майдондаги гўза навларини пайҳон қилиши натижасида ҳўжаликка 207 360 сўм миқдорда зарар келтирилганлиги аниқланди. Фуқаролар С.Сарибаев ва А.Надиловларга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди ва ҳал қилиш учун жиноят ишлари бўйича Қораузақ туман судига юборилиб, келтирилган зарарини ундириш юзасидан даъво аризаси киритилди.

Прокуратура органлари фермер ҳўжаликларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўрмоқдалар. Прокуратура аралашуви билан фермер ҳўжаликларининг манфаатлари ҳимоя қилиниб ва уларга амалий ёрдам кўрсатилиб, 5 гектар ер майдонлари, 3,8 тонна минерал ўғит, 6,1 тонна нефть маҳсулотлари, 1,1 тонна уруғлик чигит олиб берилиши, 14 та техника, 124 млн. сўмлик банк кредити, 24 млн. сўм нақд пул, 324 млн. сўм иш ҳақи ва 56 млн. сўмлик дебиторлик қарзларнинг ундирилиши таъминланди.

Пахта — миллий бойлигимиз. Ҳозирги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар пировард натижада халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Зеро, юртимиз аҳолисининг асосий қисми пахтачиликда ва у билан боғлиқ соҳаларда меҳнат қилади. Шундай экан, ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш биздан ҳар қачонгидан ҳам юксак масъулият талаб қилади.

корлик ўрнатилган. Мазкур бўлимда маҳалла маслаҳатчилари ҳақидаги ва ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар ҳам мавжуд.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш бунгунинг долзарб вазифаларидан биридир. "Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бурчаги" айтиш шунга асосланган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 15 та кодекслар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқлари тўғрисида ва норматив меъёрий ҳужжатлар билан тўлдирилган. Шунингдек, қонунчилик тарғиботи бораида туман прокуратураси томонидан ўтказилган тадбирлар, йиғилиш баёнлари ва альбомлар тўпланган.

Бошқа бўлимлар ҳам ўз номларидан келиб чиққан ҳолда соҳага доир қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, бу борада олиб борилаётган ишлар, шунингдек, туман прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбир ҳамда йиғилишлар ҳужжатлари билан тўлдирилган.

Бир сўз билан айтганда, янги ташкил этилган мазкур марказ айтиш пайтда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олинни олиш, халқимизни ҳуқуқий ҳимоялаш йўлида хизмат қилмоқда.

Янги марказ ишга тушди

У.ҚОБУЛОВ,
Учқўрғон туман прокурори
ўринбосари

ва мувофиқлаштирувчи йиғилишлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шу билан бирга, марказда вояга етмаганлар билан ҳуқуқий тарбиявий тадбирлар ўтказиш ҳам анъаналарга айланди.


Марказда "Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" бўлими ҳам ташкил этилган бўлиб, у хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан тўлдирилган. Шунингдек, тумандаги 8 та қишлоқ ва 62 та маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги йиғма жилдлар, ҳудудларда жиноятчилик-

нинг олдини олиш борасида ўтказилаётган тадбирлар ҳамда йиғилишлар аке этган расмий альбомлар жамланган.

Табиийки, бу борадаги ишлар маҳалла маслаҳатчиларининг қўмағисиз битмайди. Чунки маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчиси ўз ҳудудидаги аҳолининг яшаш тарзи, муаммолари, қизиқишларини яхши билади. Аҳоли ҳам ўзининг муаммолари билан дастлаб маҳалла фаолларига мурожаат этиб, уларнинг маслаҳатига суянади. Шунингдек, олган ҳолда туман прокуратураси томонидан маҳаллаларда фаолият олиб бораётган фаоллар билан доимий ҳам-



Хўжасизлик қачонгача?



Бехзод ИСМОИЛОВ,
Наманган вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

нақд пул маблағларини умуман топширмаган. Бунга чакана савдо, аҳолига маиший ва бошқа хизматлар кўрсатиш каби соҳаларда савдо қондаларини бузиш, шунингдек, назорат-касса машиналаридан фойдаланмаслик ҳолатлари сабаб бўлмоқда.

Гуруч курмасиз бўлмаганидек, солиқ идораларининг айрим ходимлари ҳудудларда ҳеч қандай ҳужжатларсиз савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шугулланаётган фуқароларни аниқлаб, уларни рўйхатга олиш чораларини кўрмагандликлари оқибатда пул тушумлари банк ҳазинасига топширилмай, узоқ муддат ташқарида "айланishi"га шарафит яратиб берганлар.

Бейхитёр бу каби хўжасизлик ортда қандайдир манфаат ётмайтирмикин, деган шубҳага боради киши. Масалан, Наманган "Гўштсавдо" очик акционерлик жамияти улгуржи ҳудудий базаси мансабдор шахслари мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, 2009 йил 19 октябр кунин "Халқ банки" вилоят филиали томонидан кредит шартномаларига асосан ўтказиб берилган 500 миллион сўм маблағлардан 413,4 сўмга сабзи, пилёз, картошка ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб олиб, қолган 86,6 миллион сўминини жамиятининг қарзи эвазига берган. Шунингдек, олинган 413,4 миллион сўмлик маҳсулотларни "Фавойиди Ахёр" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қ.Юсупов ва "Халимжон Ганиев" хўсусий корхоналари билан инкассация шартномалари тузилмагани натижасида уларга прогноз режа белгиланмаган. Наманган туманидаги ҳайвонот шифохонаси, "Пайлет" хўсусий корхонаси, "Турон фарм саноат", "Бек асл АУН" хўсусий фирмалари фаолият кўрсатмаётган бўлса-да, уларга 28 миллион сўм нақд пул тушуми белгиланган. Ақсича, тумандаги "Қаюмбой Ҳожи ақбар" хўсусий фирмасига қарашли ошхонанинг савдо тушуми бир ойда 38,5 миллион сўмин ташкил этса-да, мазкур ойда унга 32 миллион сўм режа белгиланган. Бу ҳолатни қандай изохлаш мумкин?

Эки нақд пул тушумига эга бўлган "Ёқут" хўсусий фирмаси 6,6 миллион сўм пул топшириш имконига эга бўла туриб, унга нисбатан умуман режа белгиланмаган. Ақсича, тумандаги "Қаюмбой Ҳожи ақбар" хўсусий фирмасига қарашли ошхонанинг савдо тушуми бир ойда 38,5 миллион сўмин ташкил этса-да, мазкур ойда унга 32 миллион сўм режа белгиланган. Бу ҳолатни қандай изохлаш мумкин?

Эки нақд пул тушумига эга бўлган "Ёқут" хўсусий фирмаси 6,6 миллион сўм пул топшириш имконига эга бўла туриб, унга нисбатан умуман режа белгиланмаган. Ақсича, тумандаги "Қаюмбой Ҳожи ақбар" хўсусий фирмасига қарашли ошхонанинг савдо тушуми бир ойда 38,5 миллион сўмин ташкил этса-да, мазкур ойда унга 32 миллион сўм режа белгиланган. Бу ҳолатни қандай изохлаш мумкин?

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, боқибегамлик, ўз вази-фасини етарли даражада бажармаслик ҳўқоридаги каби муаммоларнинг юзга келишига сабаб бўлди. Афсуски, бунин айрим мутасадди шахслар англаб етмаптилар. Хўш, қачонгача кимнингдир турткиси билан "уйғониш" касалидан қутуларми? Ахир жамият манфаати замирида сизу бизнинг манфаатларимиз ётибди-ку!

Жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш республикамизда долзарб масалага айланган. Бу борада бир қатор қарорлар, махсус дастурлар қабул қилинган бўлиб, уларда жаҳон иқтисодий инқирозининг республикамиз аҳолиси турмушига таъсирининг олдини олиш, унинг салбий оқибатларини юмшатиш вазифалари белгиланган берилган. Айтиш мумкинки, Республика ҳукумати томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ижобий самарасини бериб, аҳолининг бандлик даражаси ошиб бормоқда.

Долзарб масаладаги ўзибўларчилик

О.КАРИМОВ,
Мирзачўл туман прокурори

Лекин айрим жойларда аҳоли бандлигини ошириш ҳамда ижтимоий муҳофазасини яхшилаш долзарб масалага эътиборсизлик билан қараш ҳолатларининг мавжудлиги ҳам сир эмас. Бунини туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, шунингдек, "Ижтимоий муҳофазатга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг ижроси ўрганилиб чиқилганда аниқланган камчиликлар ҳам кўрсатиб турилиб.

Туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари А.Бобоев зиммасига меҳнат органларининг тақдирларига қўра ва уларнинг иштирокида аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширилишини назорат қилиш юклатилгани ҳолда бу борада лозим даражада иш олиб борилмапти.

Халқ депутатлари туман Кенгазининг 2009 йил 3 октябрдаги сессиясида "2010 йилда янги иш жойларини яратиш иш аҳоли бандлигини таъминлаш дастури", 2010 йил 28 апрелда туман фаоллари йиғилишида янги иш ўринлари яратиш бўйича 1-чорак якунлари муҳокама этилган бўлса-да, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этиштириш тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш масаласи ижобий ҳал қилинмаган. Ми-сол учун, туман ОАТБ "Агро-банк" 5 та лойиҳа бўйича 130 миллион сўм кредит ажратиши белгиланган бўлиб, амалда бу кредитлар ажратилмаган.

Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш маркази томонидан фермер хўжаликларининг экин майдонларини мақбуллаштириш туфайли иш ўринлари даражаси 393 нафар доимий, 481 нафар мавсумий ишчиларни фермер хўжаликларига ишга жойлаштирилиши мониторинг тартибиде ўрганиб чиқилмаган.

Марказ фаолиятида иш билан банд бўлмаган аҳолини аниқлаш, янги иш ўринлари яратиш, ҳар ойда тумандаги хўжалик юритувчи субъектлардаги бўш иш ўринларини ўрганиб, иш сўраб муурожаат қилувчиларни ишга жойлаштириш бўйича йўлланмалар бериш, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва қонуности меҳнатий ҳужжатлари асосида иш юрителишини назорат қилиб бориш, меҳнат ярмаркаларини

ташкил этиш каби масалалар асосий ўрин тутиши лозим бўлса-да, бу борада етарли даражада иш олиб борилмаган.

Марказга 2010 йилнинг биринчи чорагида 252 нафар шахс иш сўраб муурожаат қилган бўлиб, шундан 207 нафари иш билан таъминланган. 12 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиниб, 6 нафар фуқаро касб бўйича ўқишга йўлланган. 11 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилган.

Ташкилот, муассаса, корхона ва бошқа иш бевуручлардаги бўш иш ўринлари, зарур му-тахассислар ҳақидаги маълумотлар олинмаслиги туфайли мар-казга иш сўраб муурожаат қилув-чиларга иш танлашда зарур ёрдам кўрсатилмаган.

Энг ачинарлиси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш маркази томонидан ишсизлик мақоми берилган фуқароларга 2009 йил декабрь ойда тўланиши лозим бўлган 560,3 минг сўм, 2010 йил 3 ойда 11 нафар фуқарога тайинланган 932,500 сўм текши-риш қунига ҳақ вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси томонидан молиялаштирилмаган. Бу эса тўлов интизомининг бузилиши-га олиб келган.

Марказ билан "Пахтазор" қишлоқ хўжалик касб-ҳўнар коллежи ўртасида касбга ўқитиш ҳужжатини тўзиган шартнома бўйича ҳам маблағ ўтказиб бе-рилмаган.

Тумандаги 3 та касб-ҳўнар коллежларини 2009-2010 ўқув йилида битирган 481 нафар их-тисосига эга ёшлардан 193 нафари ишга жойлаштириш бўй-ча уч томонлама шартнома ту-зилиши марказ томонидан на-зоратга олинмаган.

Ўрганилган ҳолатларга қўра, тумандаги 50 та корхона, му-ассаса ва ташкилотлардан 21 та-сида бўш иш ўринлари мавжуд. Қолган 29 та ташкилотлар бу ҳақда марказга ҳисобот топшир-маган.

Ўтказилган текширишлар якунларига қўра, туман банд-ликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш мар-кази директори вазифасини ба-жарувчи Ф.Абдурахимов, ди-ректор ўринбосари К.Турсунов-ларга нисбатан интизомий жа-вобгарликка доир ишлар қўзга-тилди. 9 нафар ҳўқуқбузар шах-сларга нисбатан Ўзбекистон Рес-публикаси МЖКнинг 229-мод-даси билан маъмурий жавобгар-ликка доир иш қўзғатилди. Қонун талабларининг бузили-ши, унинг келиб чиқиш сабаб-лари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бар-тараф этиш борасида 3 та тақ-димнома киритилди.

— Банкка борганим, нақд пул йўқлигини айтишди...

— Э-э, мени ҳам шундай баҳоналар билан қайтаришди. Кеча савдодан тушган пуллари олиб келиб топширганим. Шунча пул қайтқа кетяпти экан, тушунмадим...

Бу каби суҳбатларга тез-тез тўқнаш келаётганимиз сир эмас. Аксарият ҳолларда фуқароларимиз масалага юзак ёнашадилар. Хўш, нақд пул етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқишида кимлар айбдор, деган саволни ҳар ким ўзича мулоҳаза қилади. Аслида эса...

Наманган вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Марказий банкнинг 2008 йил 7 октябрдаги "Пул муомаласини такомиллаштириш, нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни қондириш борасидаги қонунийлик ижросини таъминлаш тўғрисида"ги Қўшма қўрсатмаси асосида ўтказилган текширишлар бу саволларга ойдинлик киритгандек бўлди.

Мазкур тадбирлар давомида вилоятдаги банк муассасалари ва инкассация хизматлари томонидан нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда банкларга ки-рим қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар лозим даражада ташкил этилгани, оқи-батда эса биринчи даражада ижтимоий тўловлар ўз вақтида тў-ланаётгани аниқланди.

2010 йил январь ойи учун нақд пул тушуми режаси 96,8 фоизга бажарилгани оқибатда банкларга 15,9 миллиард сўм нақд пул маблағларини жалб этил-май қолди. Бу ҳолатни асосан Мингбулоқ (78,4), Норин (77), Поп (84,3) ҳамда Чуст (85,9) туманларида кузатиш мумкин.

Шунингдек таъкидлаш жоизки, солиқ органлари ва бошқа масъул идоралар томонидан пул маблағларини нақдлаштириш ҳамда қонуний равишда даромад олишнинг мақсад қилган тадбиркорлик субъектларини фоз этиш, уларнинг фаолиятига чек қўйиш борасидаги ишлар тўғри йўлга қўйилма-гани оқибатда уларнинг ҳисоб рақамиде қисқа муддатда жуда кўп миқдордаги пул-товар ай-ланмалари амалга оширилиб, савдодан тушган пуллар банкка топширилмай қолмоқда.

Жумладан, Наманган шаҳри-даги "RIO-MAKS PLAST" МЧЖ раҳбари У.Игамбердиев 2009 йил давомида 1867,7 миллион сўмлик товар айланишини амалга оширган. Бироқ озиқ-овқат маҳсулотлари савдосидан тушган 1656,3 миллион сўм нақд пуллари банкка топшир-маган ҳамда бухгалтерия ҳўж-

жатларини қалбақлаштириш орқали ўз қилмишини хаспўш-лашга уринган.

Ушбу ҳолат юзасидан Наман-ган шаҳар прокуратураси томо-нидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бори-лмоқда.

Шу ўринда эътиборингизни яна бир ҳолатга қаратсак. Туман ҳокимликлари ҳузуридаги пул-кредит комиссиялари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий иқтисодий-мо-лиявий аҳоли, товар ва пул айлани-маси кўрсаткичлари ино-батта олинмасдан нақд пул ту-шумининг режалари юзак бел-гиланганини кузатиш мумкин. Чунончи, "Халқ банки" Чуст филиалида ўз ҳисоб рақамини очган "Мираҳмат ота", "Иво-лин", "Аҳмедов Медикал сер-вис" ва "Халимжон Ганиев" хўсусий корхоналари билан инкассация шартномалари тузилмагани натижасида уларга прогно-з режа белгиланмаган. Наманган туманидаги ҳайвонот шифохонаси, "Пайлет" хўсусий корхонаси, "Турон фарм саноат", "Бек асл АУН" хўсусий фирмалари фаолият кўрсатмаётган бўлса-да, уларга 28 миллион сўм нақд пул тушуми белгиланган. Ақсича, тумандаги "Қаюмбой Ҳожи ақбар" хўсусий фир-масига қарашли ошхонанинг савдо тушуми бир ойда 38,5 миллион сўмин ташкил этса-да, мазкур ойда унга 32 миллион сўм режа белгиланган. Бу ҳолатни қандай изохлаш мумкин?

Эки нақд пул тушумига эга бўлган "Ёқут" хўсусий фирмаси 6,6 миллион сўм пул топшириш имконига эга бўла туриб, унга нисбатан умуман режа белгилан-май, негадир "кўз юмиб" ўтил-ган. Бу эса мутасадди ташкилот-лар томонидан нақд пул тушу-мининг асосий манбалари ҳисобланган соҳаларда товар ва пулнинг ҳақиқий айлани-маси тўлиқ ўрганилмагани ҳамда уларнинг фаолияти усти-дан етарли назорат ўрнатилма-ганидан далолатдир.

Жорий йилнинг 6 ойда вилоят бўйича 1475 та субъект банк муассасасига 64,6 милли-ард сўм нақд пулни кам топши-риб, 112 таси 2,2 миллиард сўм

«Huquq» орқали раҳмат айтамыз

Оиламда 9 нафар жон яшаймиз. Бир неча йиллардан буён яшаш шартини яхшилаш мақсадида квартира ажратиб беришларини сўраб, Марғилон шаҳар ҳокимиятига ёзма равишда мурожаат қилиб келдим. Лекин бир неча ҳоким келиб, ишлаб кетган бўлса-да, уларнинг бирортаси ҳам менинг аризимга ҳеч қандай муносабат билдирмади. Охири Марғилон шаҳар прокурорига мурожаат қилдим. Прокуратурада менинг аризам ўрганиб чиқилди.

Нихоят қонун ҳимоячиларининг арашшуви билан ағасиз, каровсиз ётган бир хонали квартирани қонуний равишда олишга муваффақ бўлдим.

Мен бир неча йиллар давомида эътибордан четда қолиб келаётган муаммонинг қонуний ҳал этилишида ёрдам берган Марғилон шаҳар прокурори Нодир Азимов, прокурор ердამчиси Анвар Адхамов ҳамда бошқа прокуратура ходимларига шахсан ўзим ва оила аъзоларим номидан кўтдан-кўп раҳмат айтаман.

Ўз миннатдорчилигимизни «Huquq» орқали уларга етказишни истаган ҳолда барча жонқуяр қонун посбонларига эл хизматида бўлишдек масъулиятли ишларида ривож, ўзларига эса сихат-саломатлик тилаб қоламиз.

М.МАХМУДОВ,
Марғилон шаҳар, "Байрам" кўчаси
23-ўйда яшовчи 72 ёшли меҳнат фахрийси.

Отангга бор, онангга бор...ми?

Ҳурматли тахририят!

Биз Хазорасп тумани "Қурувчи" МЧЖ ишчилари жорий йилнинг июнь ойида "Huquq" га мурожаат қилиб, унда 2008 йил декабрь ойининг бошида "Қурувчи" МЧЖга шартнома асосида ишга кирганлигимиз ва у ерда бажарган ишларимиз учун иш ҳақларимизни ололмаётганлигимиз ҳақида ариза қилган эдик.

Мурожаатимиз Хоразм вилоят прокуратурасига кўриб чиқиш учун юборилганлиги ҳақида Сизнинг билдирги хатингизни олиб жуда хурсанд бўлдик. Сабаби, ишларимиз маълум маънода олдинга силжиши бошланибди. Бир йилдан бери ололмаётган иш ҳақларимизнинг ундирилишига умид пайдо бўлди. Вилоят прокуратурасидан ишимиз Хазорасп туман прокуратурасига юборилганлиги ва жорий йилнинг 30 июнь кунига жавоб берилиши ҳақида билдирги хатини олдик.

Ариза бўйича Хазорасп туман прокуратураси томонидан иш кўзгатилибди. Бизга берилган хатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 504-сонли ва 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақларининг ўз вақтида тўла-тўлига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 88-сонли Қарор талаблари бузилганлиги, жамият ишчи-хизматчилари ойлик маошларини бир йил-

дан бери ололмаётганлиги ҳақида маълум қилинган. Бу борада иш ҳақларини ундириш учун фуқаролик ишлари бўйича Богот туман судига прокурор аризаси киритилган. Жамият раҳбари Б.Раззоқовга ва М.Яхшимуродовларга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш кўзгатилиб, кўриб чиқиш учун Хазорасп туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига юборилган.

Шундан кейин, Хазорасп туман ҳокимлиги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан берилган 2010 йил 11 июндаги хатда "Қурувчи" МЧЖнинг ҳисоб рақамида пул маблағи йўқлиги ва иш ҳақини мажбурий ундириш учун 2010 йил 11 июнда Богот туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилганлиги айтилган.

Богот туман судига бориб, иш натижаларини сўрадик. У ердагилар эса бундай қороз келмаганлигини, агарда келса, албатта, кўрсатишлари мумкинлигини айтишди. Иложимиз қанча, гарчи Хазорасп билан Богот ораси 30 км масофани ташкил этса-да, у ерга қатнашга мажбур бўлдик. Нихоят, 2010 йилнинг 19 август кунинда суд буйруғини олишга муваффақ бўлдик.

Лекин суд буйруғи 2010 йил июль ойининг еттинчи кунинда 283-Б сонли

иш юритувида кўриб чиқилган бўлиб, бу ҳақда биз ишчи-хизматчилар хабардор эмасмиз. Суд Богот туманлараро фуқаролик суди раиси вазифасини бажарувчи У.Отажонов, ундирувчи давлат меҳнат инспектори А.Хўжаниёзов иштирокида бўлиб, Фуқаролик Процессуал Кодексининг 238-2-моддаси 2-бандига асосан 238-моддалари бўлганилиб, қарздор "Қурувчи" МЧЖдан иш ҳақларини ундириш ҳақида суд қарори чиқарилган.

...Аммо, биз Хазорасп туман ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва Богот туманлараро фуқаролик суди ўртасида бўзчининг моқидасидан кун ўтказаямиз. Ундирувчи меҳнат инспектори А.Хўжаниёзов бўлса, "Мен қўлимдан келганини қилдим, иш ҳақингизни энди ўзингиз оласиз", деди. Хазорасп туман суд ижрочилари К.Бобоқонов ва Х.Қутлимуродовлар эса Богот туманлараро фуқаролик судига жўнатилди.

Биз факатгина иш ҳақимизни қонуний равишда олиб беришни сўрамоқдамиз. Бунинг учун яна қаерга мурожаат қилайлик?

"Қурувчи" МЧЖ ишчилари
Қ.Матёкубов, М.Отажонов,
О.Хайитов,
ва бошқалар (жами 11 та имзо)

Қидирув олиб борилмоқда

Фуқаро Т.Бекназаровнинг турмуш ўртоғи С.Бекназаров 3 нафар фарзанди билан уйдан ҳайдаб юборганлиги ва 6 ойдан буён алимент пули тўламай келаётганлигидан норози бўлиб тахририятга йўллаган аризаси Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

Аниқланишича, Т.Бекназаровнинг жавобгар С.Бекназаровга нисбатан "уй жойга мажбурий киритиш" ва "ниҳох даврида орттирилган мол-мулкларни бўлиш" ҳақидаги даъво аризалари юзасидан бўлган фуқаролик ишлари кўрилишида даъвогар ўз даъволаридан воз кечганлиги сабабли иш юртидаги тугатишни сўраб судга ариза билан мурожаат қилган. Шунга кўра фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 2009 йил 8 майдаги ахиримлари билан Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 100-моддаси 3-бандига асосан фуқаролик ишчи тугатилган. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 2007 йил 28 июлдаги ижро варақаси бўйича қарздор С.Бекназаровдан ундирувчи Т.Бекназарова фойдасига 3 нафар фарзандларининг моддий таъминоти учун қарздорнинг ойлик иш ҳақи ва барча турдаги даромадларнинг 1/2 қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланган.

Қарздор томонидан 2010 йил 1 январь кунига қадар алиментдан бўлган қарздорлар тўлаб келинган. 2010 йилнинг 1 январидан 1 августига қадар 1.093.400 сўм алимент пуллари тўланмаган.

Ижро ҳаракатлари ўтказилиши жараёнида қарздорнинг доимий яшаш жойида йўқлиги, унинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганлиги сабабли 2010 йил 11 август кунини унга нисбатан қидирув эълон қилиниб, туман ИИБ томонидан қидирув ҳаракатлари олиб борилаётганлигини маълум қиламан.

А.ШАМСИҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят прокурори ўринбосари

Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда

Фуқаро Х.Очиловнинг фириб-гарлик йўли билан пулларини ўзлаштириб кетган Н.Рўзиевга нисбатан қонуний чора қўришни сўраб тахририятга йўллаган аризасига Бош прокуратуранинг Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат бўшқармаси бошлиғи Э.Жўраев қўйидагича жавоб беради.

— Аниқланишича, Қашқадарё вилояти Ҳузур туманида жойлашган "Ҳузур Нуриддин Хусниддин" қурилиш ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Нуриддин Рўзиев фуқаро Ҳасан Очиловнинг ишончига кириб, уй қуриб беришни ваъда қилган ҳолда ундан 14 млн. сўм маблағни олиб, ўз ахтиёжларига ишлатиб юборган.

Мазкур ариза юзасидан Қарши шаҳар ИИБ ТБ томонидан терговолди текшириш ҳаракатлари олиб борилиб, аризада кўрсатилган ҳолатлар қисман тасдиғини топганлиги сабабли 2010 йил 9 август кунини ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят ишчи қўзғатилди. Ҳозирда иш юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Муносабат

Менга қўл келмоқда

Ҳурматли ижодкорлар! Мен фарғоналик мухлисингиз Зумрадхон Ҳотамова бўламан. 2005 йилдан бери Фарғона Политехника Институтини "Хуқуқшунослик", "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" фанларидан талабаларга билим бериб келаман. Мана шу фаолиятим давомида талабаларимга кенг тушунчалар беришда "Huquq" саҳифаларида чоп этилаётган маълумотлардан кенг фойдаланиб келаман. Шунинг учун ҳам газетанингиз ҳар бир сонини мароқ билан ўқиб, кўзатиб бораман.

Халқнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш бугунги куннинг асосий ва эзгу мақсадларидан бири. Бу жараёнда "Huquq" газетасининг ҳам ўрни, аҳамияти борлигини алоҳида таъкидламоқчимиз эдик. Бугунги кун ёшлари аввалги авлоддан катта фарқ қилади. Улар қизиқувчан ва шижоаткор. Айнан мана шу хислат баъзан уларнинг қизиққонлиги билан бирон эгри йўлга кириб қолишларига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун улар ўртасида ҳуқуқий маданият ва саводхонлиқни ошириш, уларга тушултириш ишлари олиб бориш жуда муҳим. Бу бугунги кун талаби ҳамдир.

Талабаларимнинг кенг дунёқарашга эга бўлишлари мен учун аҳамиятли. Шу маънода, қомусимизнинг ҳар бир боби, ҳар бир моддаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамыз.

Маърузаларимни қизиқарли ва эркин тарзда олиб боришда газетадан унумли фойдаланиб келаётганлигим сабабли, унинг ижодкор ходимларига ўзим ва талабаларим номидан миннатдорчилик билдириб қоламан.

З.ҲОТАМОВА,
Фарғона шаҳри, Сохибқирон Темури кўчаси 41-уй, 31-хонадон

Навбатга қўйиш учун топширилган

Фуқаро Ш.Ҳамроевнинг тумандаги "Калий ўғит" заводида ишга қабул қилинмаётганлиги тўғрисидаги аризаси юзасидан Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари Т.Муродов қўйидагиларни маълум қилади.

Аниқланишича, "Калий ўғит" заводи ишга туширилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддаси талабидан келиб чиқиб, "Бандликка кўмаклашув ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази" комиссиясининг буйруғи билан фуқаро Ш.Ҳамроев ишсиз деб эътироф этилиб, бандликка кўмаклашув ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига рўйхатга қўйилган.

Шунингдек, Деҳқонobod туман ҳудудидидаги "Калий ўғит" заводи ишга туширилгунга қадар бўш иш ўринлари йўқлиги сабабли туман бандликка кўмаклашув ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази орқали Ш.Ҳамроевнинг ҳужжатлари завод маъмуриятига навбатга қўйиш учун топширилган.

Газетхон минбари

«Huquq» менинг севимли газетам

Миллатим қозоқ. Шундай бўлса-да, мана ўн йилдирки, ўзбек тилида чоп этиладиган "Huquq" газетасига обуна бўлиб келаман. У менинг энг яқин маслаҳатчимга айланиб улгурган.

Газета саҳифалари ранг-баранг мақола ва ахборотларга бой. Айниқса, қонунларга нисбатан бериб борилаётган шарҳларни биринчи галда "Huquq" саҳифаларида ўқийман. Бу билан ҳуқуқий билимимни оширишга ва ён-атрофимдагилар билан ҳам ўқиб билганларимни ўртоқлашишга ҳаракат қиламан.

Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, элимиз фаровон. Мана шу фаровонлик ва тинчликни сақлаш эса ҳар бир юрт фарзандининг бурчи. Бунинг учун ўйлайманки, биз фуқаролардан биринчи галда ўз ҳуқуқимизни аниқлашимиз ва билишимиз талаб этилади. Бу эса ҳуқуқий демократик жамият қураётган мамлакатимиз учун муносиб ҳисса ҳисобланади. Бундай масъулиятли ишни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқийс деб биланам. Айниқса, "Huquq"нинг бу борада олиб бораётган фаолиятини яна бир бор эътироф эттим келди. Унинг саҳифаларидаги "Фаолият", "Назорат", "Жараён", "Суд очерки" каби руҳларни остидаги чиқишлар, гаразли мақсад билан иш бошламоқчи бўлган айрим кимсаларнинг кўзини очиб, оғохлантириш кўчига эга деб ўйлайман.

Мен бир газетхон мухлис сифатида севимли газетам бўлмиш "Huquq"нинг мухлислари кўпайишини тилаб қоламан.

К.СИСЕНБАЕВ,
пенсионер, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳри

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун қўлланадиган маъмурий мажбурият чоралари

Маъмурий жавобгарлик давлат мажбуриятининг ифодаси бўлган юридик жавобгарликнинг бир тури бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан белгиланган маъмурий жазо чораларини процессуал тартибда маъмурий таъсир кўрсатиш ваколатларига эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қўлланилади. Бу жазо чоралари маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг жазолаш (жарима солиш) ва тиклаш санкцияларида намоён бўлади. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси одатда "юридик жавобгарлик" ва "маъмурий мажбурият" категориялари билан боғлиқ. Бошқача айтганда, маъмурий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг ва маъмурий мажбуриятнинг тури ҳисобланади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган маъмурий жавобгарлик қуйидаги хусусиятларга эга:

Биринчидан, ҳуқуқбузарлик таркиби ва жазо чоралари солиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ўз навбатида ҳуқуқбузарлиги маъмурий жавобгарликка тортиш, жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш ва қарор устидан шикоят қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига биноан тартибга солинади;

Иккинчидан, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима ва мол-мулкни мусодара қилиш каби маъмурий жазо чоралари қўлланилади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жисмоний шахслар ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланиладиган маъмурий жавобгарлик қуйидаги хусусиятларга эга:

Биринчидан, солиққа оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар маъмурий жавобгарликнинг асоси ҳисобланади;

Иккинчидан, солиқ тўловчи жисмоний шахслар ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка давлат солиқ хизмати ва суд органлари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти тартибда;

Учинчидан, маъмурий жавобгарлик айбдорга нисбатан маъмурий жарима ва маъмурий тиклаш чораларини қўллашдан иборат бўлиб, улар маъмурий жавобгарлик чоралари ҳисобланади;

Тўртинчидан, маъмурий жавобгарликни қўллашда жазо чорасини қўллаётган органлар билан ҳуқуқбузарлар ўртасида хизмат алоқалари бўлмайди. Ҳуқуқбузарлик субъекти одатда ақли расо ва 16 ёшга тулган ҳар қандай фуқаро бўлиши мумкин;

Бешинчидан, жиноий жавобгарлик билан солиштирилганда маъмурий жавобгарликка тортиш ўнчалик жиқиди бўлмайди, унда судланганлик

истисно этилади, фуқаролар учун оғир ҳуқуқий оқибатлар вужудга келмайди;

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида" ги Қонуни солиқ тўловчи жисмоний шахслар ҳамда юридик шахслар мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Амалдаги Солиқ кодексида солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг 9 та тури ва уларни содир этганлик учун жавобгарлик асослари белгилаб берилган.

Улар қуйидагилардан иборат:

— Давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туришдан бўйин товлаш;

— Кириш қилинмаган товарларни сақлаш ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш);

— Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш;

— Бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини бузиш;

— Фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш;

— Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш;

— Фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш тартибини бузиш;

— Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш;

— Ер участкаларидан уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз фойдаланиш (ЎЗР СК нинг 113-121 моддалари).

Қуйидаги ҳолларда солиқ тўловчи жисмоний шахслар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган субъектлар деб тан олинади:

1) солиқ солинадиган фойда (даромад)ни ёки бошқа объектларни қасдан яшириш ёки камайтириб кўрсатиш;

2) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлаш;

3) даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд декларацияда нотўғри маълумотни тақдим этиш;

4) фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш;

5) солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган ҳисоботларни, ҳисоб-китобларни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш;

6) солиқ органларида рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотларсиз юридик шахсларга ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисоб варақларини очиш;

7) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг белгиланган тартибига риоя қилмаслик.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий жавобгарликнинг махсус субъекти ҳам ажратиб кўрсатилган. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида у доимий равишда ёки вақтинчалик ташкилий-фармойиш ёхуд маъмурий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ лавозимни эгаллаб турган мансабдор шахс ҳисобланади. Бу шахс нафақат солиқ нормаларини бузаётган ўз хатти-ҳаракатлари учун, балки бошқа шахсларнинг ҳам солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидаларига риоя қилишларини таъминлаш чораларини кўрмаганлиги учун ҳам, агар бу мансабдор шахснинг хизмат мажбурияти доирасига кирса, маъмурий жавобгарликка тортилади.

Фармойиш бериш ваколатларига эга бўлган ёки зиммасига юксак масъулият белгилаш мақсадида мансабдор шахс қаторига киритилган давлат хизматчилари мансабдор шахслар ҳисобланади.

Солиққа оид барча маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган ва маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларни урта гуруҳга бўлиш мумкин:

1) фақат мансабдор шахслар; 2) фақат фуқаролар; 3) мансабдор шахслар ва фуқаролар.

Тўртта шарт мавжуд бўлганда такрорий деб ҳисоблаш мумкин:

Биринчидан, айнан бир шахс томонидан иккита ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлиши керак;

Иккинчидан, биринчи ҳуқуқбузарлик учун шахс маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши керак;

Учинчидан, иккинчи ҳуқуқбузарлик биринчи ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилган пайтдан бошлаб бир йил давомида содир этилган бўлиши керак;

Тўртинчидан, иккинчи ҳуқуқбузарлик айнан солиқ солинадиган ўша биринчи объектга нисбатан содир этилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 36-моддасига биноан, фуқароларга нисбатан маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб, икки ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Солиққа оид маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, уларнинг кўп қисмини давом этаётган ҳуқуқбузарликлар ташкил этади. Юридик адабиётларда давом этаётган ҳуқуқбузарликларнинг турли таърифлари учрайди. Масалан, узлуksиз равишда узок ёки яқин вақт давомида амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликлар давомли (узок давом этадиган) ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади. Лекин бундай таърифдан узок вақт кечади ҳуқуқбузарлиқни, қандай аниқлаш мумкин, деган саволга жавоб тополмаймиз.

Бизнинг фикримизча, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан бошланган, сўнгга ҳуқуқбузар зиммасига оқланган мажбуриятни узлуksиз равишда бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик йўли билан амалга оширилган ҳуқуқбузарлик давом этадиган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Солиққа оид давом этадиган ҳуқуқбузарлик солиқ текшируви давомида аниқланади. Давом этадиган ҳуқуқбузарлик айбдорнинг ўз мажбуриятини ҳақиқатда лозим даражада бажариши ёки у бундай мажбуриятни бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши билан тугайди.

Ҳуқуқбузарлиқни давом этадиган тоифага тўғри киришти муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки, баъзан ўз моҳияти жиҳатидан давом этмайдиган ва улар учун маъмурий жазо қўллаш муддати ўтиб кетган ҳуқуқбузарликларни давом этадиган ҳуқуқбузарликлар тоифасига янгиллаштириш ҳоллари ҳам учраб туради.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 325-моддасида ёзилишича, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар маъмурий жазо қўллаш

Абдурашид МАННАНОВ,
Олий ўқув курслари бошлиғи
ўринбосари, 3-даражали давлат
адлия маслаҳатчиси

тўғрисидаги қарорни ижро этиши мажбурият. Кодекснинг 245-268-2-моддаларида кўрсатиб ўтилган орган (мансабдор шахслардан бири ўз ҳуқуқи доирасида, шунингдек, қонун талабларига риоя этган ҳолда чиқарган қарори тўлалигича бажарилиши шарт. Бу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс)дан бошқа ҳеч ким унинг ижросини тугатишга ҳақли эмас.

Шунингдек, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор, башарти ушбу Кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, қарор чиқарилган пайтдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда бу қарор берилган шикоят ёки билдирилган протест қаноатлантиришсиз қолдирилгандан кейин ижро этилиши керак. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойининг ўзидан ундириб олинган жарима солиш тўғрисидаги қарор бундан мустаснодир (326-модда).

Жарима солиш тўғрисидаги қарор, агар унинг иштироқи равишда бажарилиши ушбу Кодекснинг 332-моддаси биринчи қисмида белгиланган қўрилган муддатга ўтиб кетган бўлса мажбурий равишда ижро этилади.

Бундан ташқари, қонунда белгиланган тартибда қабул қилинган қарорнинг мулкий зарарини ундириб олиш хусусидаги қисмини бажармаслик (347-моддани 3-қисми бўйича ўн беш кундан кечиктирмай тўлатиши лозим), фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган ижро қилиш тартибидан ундириб олиш учун жўрилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун қўлланадиган маъмурий, шу жумладан, мажбурият чораларини қўллаш, яъни кодекснинг 174-моддаси "Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш", 175-моддаси "Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек, тўлов интизомини бузиш" ҳамда 175-3-моддаси "Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартибини бузиш" билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 303-348-моддаларида назарда тутилган тартибда ҳал этилиши лозим.



Ҳамжиқатлик ва фаоллик зарур

Ф.АРСЛОНОВ,
Қарши туман прокурори

жаси тасдиқланди.

Юқоридаги қонун ва қарор асосида Қарши туман ҳокимининг 2008 йил 23 июлда "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПК-911-сонли "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг бажарилишини таъминлаш ҳақида" деб номланувчи Қарори қабул қилинган.

Ушбу қарор асосида одам савдосига қарши курашиш бўйича туман идораларо комиссияси тузилди ва 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Қарши туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан йиғилишлар ўтказилиб, тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Туман ҳокимлиги, ИИБ, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, Бандликка қўмаклашувчи маркази, туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда прокуратура органлари ҳамкорлигида қўшимча ишчи ўринлари ташкил этиш, доимий равишда меҳнат ярмаркалари ўтказиб борилишини таъминлаш чоралари қўрилмоқда. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг ҳалқ оmmasига тушунтириш ишлари олиб борилишига масъул эканликлари белгиланган.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича туман идораларо комиссияси бу йўналишдаги ишларнинг ушбу дастур асосида амалга оширилишини доимий назоратта олган.

Идораларо комиссия одам савдосига имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, одам савдоси қўлими ва тенденциялари тўғрисида ахборот тушлаш ва таҳлил этиш, одам савдоси жабрдидаларига ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш, одам савдосига қарши курашиш масалалари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини амалга оширмоқда.

Туман идораларо комиссияси таркибига туман ички ишлар бўлимидан, молия бўлими, туман тиббиёт бirlашмаси, туман бандликка қўмаклашувчи маркази, туман "Маҳалла" мажмаъаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатидан вакиллар киритилган.

Туман ички ишлар бўлимида 57-23-208 рақамли ишонч телефони ишлаб турибди. Туманимиз фуқаролари одам савдоси ёки бошқа оғир жиноятлар тўғрисида ушбу рақамга қўнғироқ қилишлари мумкин.

Айтайлик, бир гуруҳ фариб-гар шахслар алдов йўли билан тумандошларимизни Россияга қоп-қоп вадалар билан олиб кетишмоқда. Улар орасида сизнинг та-

нишингиз ёки қариндошингиз бор бўлиши мумкин. Ўз вақтида қилинган биргина қўнғироқ содда одамларимизни бир неча ой давом этадиган сарсон-саргардонликдан, қўлиқдан сақлаб қолиши мумкин. Сизнинг қўнғироғингиз эса сир сақланади ва ошкор қилинмасдан тегишли тартибда текширилади.

Ҳар биримиз ўз яқинларимиз, қолаверса, миллатдошларимиз тақдирига, уларнинг келажагига, манфаатига, ор-номусига бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Ушбу, ушбу жиноят билан боғлиқ вазият бизнинг туманимизда қандай ва бугунги кунда туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари олдида қандай масалалар турибди?

Бугунги кунда расмий маълумотларга қараганда, тумандошларимиздан 2731 нафари Россия Федерациясига, 54 нафари Қозоғистон Республикасига, 20 нафари Кореяга, 57 нафари бошқа МДХ давлатларига, 49 нафар бошқа давлатларига иш топшиш мақсадида Республикадан чиқиб кетишган. Уларнинг айримлари қайтиб келишган.

Энди бир таҳлил қилайлик. Албатта, бу фуқароларнинг бир қисми пул топиб оилаларига жўнатганлар, аммо уларнинг асосий қисми пул топиб оиласига жўната олмаган, аксинча қарзга ботган. Улар ўзлари билан "Спид", "Гепатит-С", сил касаллигининг ҳар хил турларини олиб келмаганига ким қаролант бера олади?

Лекин хориждан қайтиб келганларнинг барчаси тиббиёт қўрилган ўтказилган деб бўлибди. Афсуски, улар нафақат ўз оила аъзоларининг соғлигини, балки тўйларда, маъракаларда иштирок этиб, бошқа фуқароларнинг соғлигини ҳам хавф остида қолдириши мумкин-ку.

Фуқароларимизнинг бир қисми эса одам савдоси қурбони бўлишмоқда.

2009 йилда одам савдоси бўйича туман ИИБда 4 та жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилди. Жумладан, Қарши тумани Нуқрабод қишлоғида яшовчи Рўзиев Насриддин СВОЖДЛҚК Департаменти туман бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, Самадов Асад Россия давлатига ишлаш учун олиб кетиш, унга иш ҳақини бермасдан, мажбурий меҳнатга жалб қилганини билдирган.

Ушбу ариза юзасидан тезкор суриштирув ишлари олиб борилганда Қарши туман Нуқрабод қишлоғида яшовчи Самадов Асад Ҳикматович Россия давлатининг Воронеж вилояти Латвия қишлоғида жойлашган ништ заводининг мансабдор шахслари билан олинган жиноий тил бириктириб, Рўзиев Насриддин, Қурбонов Аъзам, Хазраткулов Қаҳрамон, Умаров Руслан, Бўронов Шухрат, Хусинов Бобоназар ва бошқаларни алдаб, улардан фойдаланиш мақсадида ишга ёллаб, 2008 йил 14 июль кун "Душанбе-Москва" поезди орқали Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан олиб ўтиб, Россияга олиб бораётганини билдириш билан боғлиқлиги ва фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, мажбурий меҳнатга жалб қилиб, ойлик иш ҳақларини бермасдан ўзлаштириш юрбортлиги

аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми "б,е,з,и" бандлари билан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича туман судининг ҳукмига кўра Самадов Асад айбдор деб топилиб, унга озолиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шунингдек, фуқаролар Йўлдошев Ҳамдам, Жалилов Шухрат, Мўминов Наҳиддин ва бошқалар СВОЖДЛҚК Департаменти Қарши туман бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризаларига фуқаро Ташев Шавкат ва бошқалар уларни алдаб, катта миқдордаги иш ҳақлари ваъда қилиб, Россия Федерациясининг Калининград шаҳрига олиб кетишганини билдиришган эди. Одам савдоси билан шуғулланган бу кимсалар юртдошларини балиқ консерваси тайёрлаш ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводларида ишлаб, паспортларини олиб қўйиб, 4 ой мобайнида ойлик иш ҳақларини беришмаган.

СВОЖДЛҚК Департаменти Қарши туман бўлими томонидан ушбу ариза асосида ўтказилган терговли текширув ҳужжатларига асосан Ш.Ташев ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича туман судининг ҳукмига кўра Ш.Ташевга озолиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди ва унга ЖКнинг 72-моддасига асосан 1 йил синов муддати белгиланди.

Албатта, судланувчиларга енгил жазо берилишида уларнинг етказилган зарарларни қоплаганликларини эътиборга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликда кенг қамровли тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Аммо бу иш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга талаллукли экан деб ўйлаш хато бўлади. Агарда жамоатчилик бу долзарб масалаларда фаол қатнашмас экан, қўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Ахир ким, қайси давлатта, қачон, ким билан чиқиб кетганлиги, аввало унинг оила аъзоларига, қўнимсига ва албатта, маҳалласига маълум бўлади. Агар биз бу ҳолатга бефарқ қараб турар эканмиз, бу масала ўз-ўзиндан барҳам топмайди, аксинча қўлими кенгайиб, чўқуралиб бораверадил, бу эса жамиятимизга ботган сари кўпроқ ташвиш тудираверадил.

Энг ачинарлиси, бизнинг фуқароларимиз чет тилларни яхши билишмайди. Улар бошқа давлатда ўзларининг олий ҳуқуқларини ҳам қандай ҳимоя қилишни билишмайди. Бундай қишлар эса фарибгарларга осинга "ем бўлишди". Бунга юқорида бир нечта мисоллар келтирилди.

Бугунги кунда одам савдоси шундай бир муаммага айланиб улгурдики, энди уни факатгина ҳамжиқатликда, узоқни кўзлаб, чуқур ва пухта ўйланган режа асосидагина ҳал қилиш мумкин.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён Юртбошимиз бошчилигида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида кенг қўламли ишловлар амалга оширилмоқда.

Ижобий ўзгаришлар билан бир каторда, афсуски, илгари бизда кузатилмаган, яъни бизнинг жамиятимизда қайд қилинмаган айрим муҳим жиноятларнинг бир неча турлари пайдо бўлди. Бизни ташвишга солаётган жиноятлардан бири одам савдосидир.

Одам савдоси — инсон қадр-қиммати н ерта урувчи трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан биридир. Бу жиноят чегара танламаслиги ҳамда ўз домига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётгани билан ташвишлидир.

Халқаро экспертларнинг баҳолашча, дунё бўйича одам савдосидан тушадиган йиллик даромад 7 миллиард АҚШ долларидан ошмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингдан 800 минггача аёллар ва болалар алдов йўллари билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Афсуски, бундай жиноятлар бизнинг республикамизда, вилоятимизда ва ниҳоят туманимизда ҳам содир қилинмоқда.

Ўзбекистон фуқаролари асосан Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистон, Россия, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика давлатларига, мажбурий меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун эса Қозоғистон ва Россия Федерациясига олиб чиқиб кетилмоқда.

Бундай ташвишли ахвол қонунчилигимизда норматив-ҳуқуқий базани тезда шакллантириш ва уни такомиллаштиришни тақозо қилди.

Шунинг учун ҳам 2001 йилда Республикаимиз Жиноят кодексининг "Шахсининг озолиқни, шаъни ва қадр-қимматиға қарши жиноятлар" бобига янги 135-модда қўшилди. Бу модда "Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш" деб аталди. Бу модда янада такомиллаштирилди 2008 йил август ойида унга ўзгаришлар киритилди ва бугунги кунда "Одам савдоси" деб аталди.

Бугунги кунда бу модданинг биринчи қисми одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташвиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш деб номланади ва бунинг учун ўз йилдан беш йилгача озолиқдан маҳрум қилиш жазоси кўрсатилади.

Шу модданинг иккинчи қисми-

Мўмин қиёрасидаги иблис

Шокиржон СУЛТОНОВ,
Фаргона шаҳар прокуратураси
катта терговчиси
Исроил ИБРОХИМОВ,
"Нарқ"

Ўтган ақибларнинг қабрларини зиёрат қилмоқ ниятида қабристонга кирган киши бу дунёнинг бебақолиги, ўткинчи дунёда эзгу амаллар билан яхши из қолдирмоқдан ортиқ савоб йўқлиги ҳақидаги ўйлар оғушига чўмади. Балки, дастлабки, қабрлар оралаб юрган кезлари унинг ҳам кўнглидан мудома ана шундай ҳаёллар кечгандир? Бироқ киши кўз ўнгидан бир жараёнинг такрорланавериши туфайли ўз залворини, аҳамиятини йўқотиб бориши табиий ҳол. Чамаси, қабристон билан ёнма-ён қуриб олган уйда яшай бошлаган, ҳам қоровул-у, ҳам шайхга айланганидан буён ўтган икки йил мобайнида қабрларга қўйилган мейитларни қўравериб "қўзи пишиб", дили тошдек қотиб борган, ичида бош кўтара бошлаган иблисни жиялашти тораб мушкуллашаверган.

"Эссиз, ёш экан, нега, нечук?" "Отасизроқ ҳовли жойини талашиб, ака укасини боғлади..." "Хотинини ўйнаши билан ушлаб олибди. Устларидан қулфлаб, уйининг теварагига бензин сепиб ўт қўйиб юборибди..."

Ичидаги иблис "мана бу марднинг иши" дея дилига гулгул солади. "Юрибсан-да, эр йигитман деб..." "Йўқ-йўқ, мен мўмин-мусулмон, мана шу даргоҳнинг шайхиман". У иблисга бўйсунини истамайди. "Суюқ-оёқлик қилиб гуноҳга ботатган экан, охирагата ўзи жавоб бергусидир", дея бадбин ўйларни ўзидан нари ҳайдайди.

"Ха-ха-ха!". Иблис масхараб кулади. "Бошингга миндириб олгансан! Айтганини бажо келтиришга ҳозир-нозирсан. Ҳатто ажрашганингга ҳам у ўзининг сўзини ўтказди. Ҳовли уйни сотиб, ярим пулини бердинг. Шаҳардаги иккита квартирани ҳам икки қўллаб топширдинг. Болалар учун ҳар ойда элик минг сўмдан тўлаб тураман, дея тилхат ҳам ёздириб олди. Хорижда ишлаб топган бисотингга бевафо суюқоёқ хотининг эга чиқди-ю!" "Бекорларни айтибсан" дея у иблисини қайриб ташламоққа тиришади. "Бу шубҳа-ғумондан бошқа нарса эмас. Икки йил хорижда юрганимда ҳам мендан ўзгани демаган. Кўзлари сўзни бўлиб кутган. Кўролмаганлар гийбат-игво билан дилимни дарз кетказишди. Рост, унга ишонмай қўйдим. Бўлмагур хасллар ичимни кемираверди. Уч талок қўйиб, бошқа аёлга уйланигимдан кейин хотир-жам ишламоқчи эдим. Бирок сен иблис, барибир юрагимни кемемириб, жаҳаннамга судрайдсан! Йўқ-йўқ, йомонимга раҳна соломламан!"

У икки ўт орасида қовурилмоқда эди...

Мухриддиннинг бир оғи Саткада, бир оғи Оқариқобода эди. Йигирма яшар йигитнинг дили вайрон, ота-онасининг айри яшашлари, даласининг бошқа хотинга шаръий никоҳ билан уйланиб олгани фожиа бўлиб туюлар, ўзининг, сингиллари-



нинг бошига бу кўргулик қайдан тушди, деган саволга жавоб топишга ожиз, балки ярашиб олишар, деган умид қоронғу кўнглини бироз равшан қиларди. Асосан, Фаргона шаҳридаги кўпқаватли уйда жойлашган, аяси талабаларни ижарага қўйган уйда турар, гоҳида Оқариқободаги даласининг, гоҳида Саткадаги онасининг ҳовли уйларида тунаб қоларди.

Куз охирида, қиш нафаси уфурга бошлаган кунлар эди. У аясини, укаларини соғиниб Фаргона шаҳрининг кунботарида, адирлар оралғидаги жилга бўйида жойлашган, Аллоҳнинг назари тушиб зиёратгоҳ масканга айланган Сатка қишлоғига кириб борди. Баҳор, ёз ойлари қишлоқ кўчалари гавжум, зиёратчиларнинг оғи узиламас, қир ёнбағридаги гўмбазсимон ағил мақбараси қаршидаги кекса-ю ёшлар, эркак-у аёллар тиловат қилиб Аллоҳга шукроналар келтиришлари одатий ҳолга айланган. Ҳозир бироз совуқ тушгани учунми, қишлоқнинг аввалги файзи-таровати йўқ, одамлар сийрак. У ҳовлига кириб укалари билан салом алик қилди.

— Аям қани?
— Фарғонага кетганлар, — деди Хусниддин.

У ётди-ю, кўзига уйқу келмади. Тирқ этса, ташқарига қарайди. Йўқ онаси қайтмади. Эрталаб ҳам келмади. "Шаҳардаги квартирангизда қолгандир", деди у ўзича.

Мухриддин ишдан кейин кечки пайт Оқариқобода йўл олди. Шаҳардан ўн чақиримча жануби-шарқда, дашт ерларда ўтган асрининг етмишинчи йилларида ягона лойиҳа бўйича қурилган бинолар, текис кўчалари билан бошқа қишлоқлардан ажралиб туради. Қишлоқдан бир чақиримча чеккада қабристон, қабристон ёнида ҳовли уй мунғайган. Даласи айнан нега шу ерга, кечалари ваҳимали ерга уй қурган? Нега дорилбақога равона бўлганлар билан қўшни туришни афзал билган? Эскича илдан бохабарлиги, наинки қабристон қоровули, шайхлиги ортидан бой берган обрў-этиборини қайта тиклаш ниятидадир балки? Остона ҳатлаб ўтган захоти даласи кўнглига гулгула солиб қўйди.

— Аянг йўқолиб қолибди. Укаларинг, қариндош-уруғ ахтариб топшилолмади. Диларфўз холангдан сўраб кўрчи!

Эрталаб у ишга бормасдан, холасига учради.

— Кеча сингилнинг Мадинабон билан келиб гаплашиб ўтирди, — деди холаси. — Соат ўн бирларда шифер билан палос олишим керак эди, қизим

ўтира турсин, қайтишда олиб кетарман, деб кўчага чиқиб кетди. Келавермагач, кечки пайт хавотир бўлиб қўлига телефон қилдим. Жавоб бермади. Кечаси билан кутдим, дараги йўқ. Телефонни ўчирилган, эрталабдан бери тушолмаётиман.

Мухриддин қариндош-уруғларидан сўраб-суриштириб топа олмагач, прокуратурага, милицияга учради. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, бедарак йўқолган, ўттиз саккиз ёшга кирган Дилором Норматова қидирила бошланди.

Йигилган тезкор маълумотларга кўра Дилором Норматова билан эри Маҳмадали Тўланов орасидан қора мушук ўтган, гарчи расман никоҳлар бекор қилинмаган бўлса-да, икки-уч йилдан буён аллоҳда яшашди. Эр бошқа аёлга шаръий никоҳ ўқитиб, уйланиб олган. Балки, аёлни эри гўмдон қилгандир? Бошқалари қатори ушбу тахмин ҳам атрофчида тегишлироқ бошланди. Бироқ М.Тўлановнинг аёли бедарак йўқолишига алоқадорлигини кўрсатувчи бирон-бир дастак йўқ эди. Мўмин-мусулмон, теварак-атрофиди одамлар бир овоздан таъкидлаганларидай, чумолига ҳам озор бера олмай диган "шайх"нинг ўз хотини жонига қасд қилиши ҳақиқатдан йироқдай туюларди.

Аёл ўша кунни опасига шифер олмақчилигини айтган, қўлида анчагина пули бўлса, талончилар тортиб олиб ўлдиршган, жасадини бирон жойга яширишдан бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмасди. Бироқ икки ҳафта ўтса-да, қидирув бечасар қолаверди. Прокуратурага аёлнинг ўғли Мухриддин келиб, муҳим бир гапи борлигини айтди.

— Аям йўқолган кунни дадам ва Фанижон ака қабристонга эски баллонларни ёқишгани эсимга тушди. Нега ёқилмаслар, деб сўрасам, симларини ажратиб олиб, гўзалпоиян боғла-боғлам қиламиз, дейишган эди. Бироқ негадир Фанижон ака симларни олиб кетмабди. Қабристоннинг тепасидан далага ташлаб юборишибди. Бориб сим уюмлари орасидан олганим суяк парчаларини топиб олдим...

Тезкор-тергов гуруҳи дарҳол ўша далага чиқиб борди. Ёндирилган баллонларнинг қолдиқ симлари орасидан бир неча доната суяк қолдиқлари, кул намуналари олиниб экспертизага топширилди.

Маҳмадали Тўланов ва Фанижон Алиевлар гўмдонлауви тариқасида сўроқ қилинганларида айбларини инкор этиш бефойдаллигига ақллари етиб кўрсатма бера бошладилар.

Дастлабки тергов жараёнида тикланган, суд мажлисида далил-исботлар билан тасдиқланган жиноятнинг яхлит, дахшатли манзараси дилларни дарзага солади. Жиноятнинг муқаддимаси эса эру-хотин орасига оралаган ишончсизлик туфайли келиб чиққан можароларга бориб тақалади.

Маҳмадали Тўланов асли олтиариқлик бўлиб Сатка қишлоғида Дилором Норматовага уйланади. Улар икки қиз фарзандли бўлишади. 2000 йили, ўттиз беш ёшида йигит Жанубий Кореяга жўнайди. У ерда ишлаб юриб анчагина маблаг орттиради. Фарғона шаҳри биқинидаги Оқариқ қишлоғида дангиллама ҳовли жой қилади. Ундан ташқари шаҳардаги кўпқаватли уйлاردан иккита квартира олиб қўяди. "Дамас" русумли еянгил машина сотиб олади. Хуллас, оила рўзғори бут, беками кўст турмуш кечириш учун монелик қиладиган ҳеч нарса йўқдай эди. Бироқ хорижда ишлаб юрган пайтларидаёқ Маҳмадалининг қўлига хотини "юрётгани" тўғрисидаги узун-қулоқ гаплар чалинади. У ишни йигиштириб қайтиб келгач, хотинини сўроқ-саволга тутди. Дилором ҳам бўлмагур гап, қани ўша гийбатчилар исботлаб беришсин ким билан юрганимни, дея ўзини оқлайди. Бироқ Маҳмадали унга заррача ишонмай қўяди. Ажралмоқчи бўлади. Аёл битта шарт қўяди. "Оқариқдаги ҳовлини сотиб ярим пулини берасиз, шаҳардаги уй эса менга қолади, унга ҳам даъво қилмайсиз, уйдаги нарсалар ҳам болаларизга қолади, оинга болаларга элик минг сўмдан бериб турасиз".

Маҳмадали унинг шартларига қўйиб, тилхат ёзиб беради. Сўнгра шаръий никоҳ ўқитиб, Кароматхонга уйланиб олади. Оқариқобод қишлоғининг қабристонини ёнига уй қуриб яшай бошлайди. Қабристонга қоровул бўлиб ишга жойлашади. Оиласи билан ажралишган, бироқ никоҳлари расман бекор қилинмаган бир вазиятда М.Тўланов биринчи хотини шарму-ҳаёни йигиштириб қўйиб, аллаким билан дон олишиб юрганига тоқат қила олмади. У қабристон ақинига дренаж қурдириб, сув чиқармоқчи бўлган, бироқ электр энергияси сарфи топган даромадини қопламаслигини хомчўт қилиб, бу ишдан воз кетганди.

Трансформаторни сотиш учун харидор излаётганида Дилоромхон "Бир миллион сўмин менга берасиз, Сатка қишлоғидаги уйни тибириб олишим керак", дея тўплон чикаради. М.Тўлановнинг дилида собиқ

хотинини жаҳаннамга равона қилиш режаси туғилади. Оғайнисини, автомобиллар ремонт билан шугулланувчи уста Фанижон Алиевга "ёрилади".

— Дилором билан гаплашиб олишим керак. Саткака бориб келайлик.

Ф.Алиев қўшнисининг тузатиш учун бериб қўйган "Фольваген" русумли еянгил машинасида оғайнисини айтган жойига олиб боради. Бироқ ўша кунни Дилоромхон уйда йўқ, шаҳардаги квартирасида экан. Навоий номли кўчада жойлашган квартирага борганларида Дилоромхон эшикни очмайди, милиция чақираман, дея пўписи қилади. М.Тўланов хотини шифер олмақчи бўлиб юрганини эслайди. Ф.Алиевнинг уйда арзон нархда шифер борлигини айтиб, алдаб чақириб олишни мўлжаллайди. Ф.Алиев хонадонидан ижарада турувчи йигитнинг қўл телефонидан Дилоромхон билан боғланади. Эртасига ҳовлисига келса, шиферни гаплашиб беражанин ваъда қилади. Ф.Алиевнинг ҳовлисига келиб Маҳмадалининг қўрган Дилоромхон жазавига тушади. Ичкари хонада иккаласи бир-бирларини ҳақорат қилишади. Маҳмадали аввалдан чўнтагига жойлаб олган ипни хотинининг бўйига солиб, икки учидан тортиб бўғайди. Фанижон мурдани қўриб саросимага тушади.

— Йўқотинг бунни.

— Бўпти, қарашворинг.

Икковлон аёлининг мурдасини целлофан қопга жойлаб, Ф.Алиевнинг ижарига олиб минаётган "РАФ" русумли машинасига юклашади.

— Қабристонга обориб ёқиб юборамиз. Эски баллон топиш керак.

Фанижон шаҳардаги танишининг автохостанасидан олтига эски, яроқсиз баллонларни сўраб олади. Оқариқобод қабристонига келиб мурдани баллонлар орасига жойлаштиришади. Бензин сепиб ўт ёқишади. Баллон камлик қилади. Фанижон ҳеч нарсадан бехабар Мухриддин билан бирга тагин туртта баллон топиб келади. Мухриддинни уйга киритиб юбориб, баллонни чала қўйган мурда устига ташлашади.

Келаси кунни эрталаб мурда қолдиқларини қопга жойлашади. Фанижон қопни машинасига юклаб, Фарғона шаҳри Эзгулик кўчасидан ўтган зовурга ташлаб юборади.

Тергов мобайнида айбланувчилар кўрсатган жойдан қоплар чиқариб олинди. Қопда кул ва суяк бўлаклари билан ташқари марҳумнинг сумкачаси қолдиқлари, битта боғламда ўн дон калитлар олинди. Калитларни ўли таниди. Улар яшаб турган ҳовли ва квартираларининг қўлига мос тушди.

— Мен Маҳмадали хотинини ўлдириб ниятидагиларни билмасдан жиноятга шерик бўлиб қолдим, — дейди Ф.Алиев. — Ҳовлимдаги жиноят изларини йўқотиш керак эди. Шунинг учун мурдани қабристонга олиб бордим. Лекин Маҳмадали уни кўмшини истамади. Тупроқни ҳам макруҳ қилади ифлос, дея оловда ёндириб кул қилди.

— Дилором мен билан жанжаллашганда қабристонингга ҳам тушурдим, дерди, — дейди М.Тўланов. — Шунинг учун унинг жасади қабристонга ҳам юник эмас, деб қудириб ташладим. У ахлоқан бузиллиб, ёмон йўлга кириб кетгани учун шундай қилдим...

У расман никоҳини бекор қилдириб, уйлانган бошқа аёли билан яшашига ҳеч нарса монелик қилмаган эди. Диний мутаассиблиги туфайли тирноқ остидан кир қидириб ҳам хотинининг, ҳам оғайнисининг, ҳам ўзининг бошига етди.

«Жарима»нинг оқибати

— Ака, дўконга тез етиб келасизми? Солиқдан текширувчилар келишди.

Маъруф (исм-фамилиялар ўзгартирилган) сотувчи йигитнинг кўнгиригидан аввалига ажабланди. «Тавба, ахир дўконни ижарага олганига ҳали бир ой ҳам бўлмаган бўлса! Текширувчилар мунча тез келишмаса?! Ёки...»

Ҳаёл билан дўконга етиб келганини сезмай ҳам қолди. Солиқ инспектори — ёшгина йигит Маъруфни ўта жиддий қўтиб олди.

— Ака, мен туман солиқ инспекциясининг ходими Дилшод Мухторов бўламан.

У хизмат гувоҳномасини олиб кўрсатди.

— Жуда яхши. Келинг, хизмат? — Маъруф тааж-жубланини яширмаган ҳолда сўради.

— Ҳозирча тиңчик. Фақатгина... Дўконингиздан бир нарсани харид қилган эдим. Аммо сотувчи пулни олди-ю назорат касса машинасидан чекни бермади-да! Шунга ҳайрон бўлиб сизни сўраган эдим.

— Шунга шунчами?

— Шошилмай туринг, — унинг гапини бўлди Дилшод. — Дўконингизда бошқа камчиликлар ҳам анчагина экан-ку! Қани, манаги молларнинг ҳужжатларини кўрсатинг-чи!

У шундай дея пештахтадаги махсуслотларни бир-ма-бир кўрсата бошлади.

— Ана шу камчиликлар туфайли молларингизни мусодара қилсам, биласизми... Тахминан 18 миллион сўмга тушасиз. Аммо...

Маъруф унга нажот қутқандек тикилди.

— Ҳулла, ҳар қандай ишни ҳам ҳал қилса бўлади. Тўғрими? — Дилшод гапини қўзиб ўтирмади:

— Мана, бу сизга қўлланиладиган «жарима», — у шундай дея калькуляторни олди-да, рақамларни териб, Маъруфга кўрсатди. Таблода «2000» рақами турарди.

Буни кўриб Маъруфнинг эси чиқиб кетаёзди ва «доллардами?» дея секингина сўради. Дилшод «Ҳа» деган маънода бош ирғақ қўйди.

— Сал инсоф қилинг. Менда бунча пул нима қилсин?

— Гапингиз пўсткаласини айтдим. Агар қўнмасангиз, молларингизни мусодара қиламиз. Ўзингиз бўлса, сулласиз. Шунга розимисиз?

Энди Маъруф ростаманга қўчиб кетди. Шунинг учун шоша-пиша дўконни яқинда ижарага олгани-ю айна пайтда бунча пули йўқлигини айтиб, «жа-

рима»ни камайтиришни сўрай бошлади. Унинг илтижолари ўз кучини кўрсатди чоғи, Дилшод аввалига 1500, бироқдан кейин эса 700 долларга «нонлож» рози бўлди.

— Бўлмаса, сиз бир соат муҳлат. Айтилган суммани олиб келишингиз билан ҳамма ишни тўхтатаман. Сизни шу ерда қўтиб тураман...

Тахминан икки соатлардан кейин Маъруф кириб келди-да, қўлидаги пулни Дилшодга қўйди:

— Бу ерда 600. Тополганим шу. Рози бўлинг...

— Тушушдимиз! Ахир келишувимиз бунақа эмасди-ку!

— Ишонинг, бошқа иложини қўлловдим. Яна бир-икки кун сабр қилиб туринг.

Дилшод рози бўлгач, бир-бирларининг телефон рақамларини ёзиб олишди-да, ҳайрлашди. Орадан тўрт-беш кун ўтгач, Маъруфнинг қўл телефони жиринглади. Дилшод экан.

— Ваъда қанақа эди? Эрак киши сўз бердим, бажаради. Тўғрими? Юз қани?

— Шароитини тушуниг. Ҳозир қўйнаиб турибман дедим-ку, ахир! Озгина сабр қилинг, тўғри-ла бераман...

Кўп ўтмай Дилшод яна кўнгирак қилди. Бу сафар Маъруф ишни анча пухта қилди: сўзлашувни диктофонга ёзиб олишди-да, эртасига тегишли идорага ариза билан мурожаат қилиб, ёзувни ҳам илова қилди. Шундан кейин ундаги 200 минг сўмга махсус ишлов берилиб, Дилшодга кўнгирак қилиш тайинланди.

Дилшод «хушхабар»ни эшитган заҳоти эртасига кўнгираклашсини айтиб, гапини қисқа қилди. Эртасига телефон қилиб, «Чкалов» метро бекатига учрашамиз» деди хушчақчақ оҳангда.

Маъруф айтилган жойга етиб келди. Кўп ўтмай Дилшод ҳам пайдо бўлди. Улар салом-алиқ қилишгач, Маъруф пулни Дилшодга узатди:

— Мана, фақат сўмда олиб келдим. Энди ўзингиз ҳам қарашиб турарсиз-а?!

— Бўлмаса-чи! — Дилшод шундай дея Маъруфдан олган пуларни шимининг орқа чўнтагига тикқан ҳам эди, уни фуқаро кийимидagi ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўраб олишди...

Ҳамид АҚРАМОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси АМИБ катта терговчиси

Андрей Аникин 1965 йилда Россия Федерациясининг Челябинск вилоятида туғилган. Кейинчалик Наманган вилоятининг Поп тумани, Халқобод шаҳарчасига келиб, ўша ерда иш-тиқомат қила бошлади. Аввалига у ён-атрофдагиларга яхши таассурот қолдиргандек эди. Аммо кўп ўтмай шубҳали хатти-ҳаракатлари билан маҳалла аҳлининг ижобий тасаввурини пучга чиқарди.

Аникиннинг афсуси

Авазбек МАМАДАЛИЕВ,

Чуст туман прокурори ёрдамчиси

Андрей дастлаб 1990 йилда ўғрилиқ жинояти содир этиб, суд ҳукми билан уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо муддатини ўтаб қайтгач ҳам ўз билганидан қолмади. 2002 йилда навбатдаги жинояти ортидан яна олти йилга қамалди. Афсуски, бу унинг учун сўнгги жазо бўлмади...

Андрей 2008 йилнинг декабрь ойи бошларида ошхоналарнинг бирида тушлик баҳона спиртли ичимлик ичди. Айни ўша кунлари у таниши - чустлик М.Соби-товнинг хонадонига яшаётганди. Ошхонадан маст ҳолатда уйга қайтар экан, Чуст шаҳри, «Дўстлик» кўчасида яшовчи фуқаро Р. Умаровнинг яшаш уйи ёнидаги омборхонаси эшиги сим билан бoғ-лаб қўйилганини кўриб, нияти бузилди.

Атрофда ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, симни очиб, ичкарига кирди ва у ердаги велосипедни ўғирлаб чиқиб кетди. Сўнгра уни Б. Ҳусановага 18.000 сўмга сотиб юборди.

2008 йил 7 декабрь куни эса Чуст шаҳар, «Наманган» кўчасида жойлашган, фуқаро М. Собижоновга тегишли савдо дўконининг ойнасини синдириб қириб, жами 220.000 сўмлик 16 турдаги махсуслотни ўғирлаб, чиқиб кетди.

Осоғина «ишлаб топилаётган» пулларнинг таъмин ёқиб қолди чоғи, орадан ўн беш кун ўтгач, навбатдаги жиноятни режалаштирди.

2008 йилнинг 24 декабрь куни тунда Чуст туманида қурилаётган «Резаксой сув қурилиш омбори»га бориб, шу ерда инженер-геологик ишларини олиб бораётган УАЗ-3962 русумли автомашинанинг орқа эшигини очиб, 2 дона 300 метрдан галтакка ўралган геофизик симларни, бир дона захира филдирати, 2 дона бензин қанис-

три ва 40 литр бензин, жами 800.000 сўмлик молларни ўғирлаб, эртасигаёқ нотаниш кишиларга сотиб юборди.

Бундан ташқари, Андрей 2009 йил 31 январдан 1 февралга ўтар кечаси Поп шаҳар, «Пахтакор» кўчасида яшовчи Ш. Ҳакимовнинг уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, 500.000 сўмлик мол-мулкларини ўғирди. Эртасига уларни Чуст тумани марказидаги эски буюмлар бозорида 120.000 сўмга сотиб юборди.

Аммо у юқоридагиларнинг ўзи билан қилинган қолмади. Аксинча, жиний ҳаракатларини давом эттириб, 2009 йил 26 май куни тонгда чустлик Ш. Ҳакимовнинг ҳовлиси дарвозаси очиклигидан фойдаланиб, 70.000 сўмлик велосипедни ўғирлади.

Шунингдек, А. Мамадалиев ҳамда Қ. Каримовга тегишли велосипедларни ҳам шу тарзда ўғирлаб, нотаниш харидорларга арзон-таровга сотиб юборди.

Чамаси у қилмишлари сирли-пича қилиб кетишига ишонганди. Бирок бундай бўлмади. Орадан ҳеч фурсат ўтмай, кирдиқорлари фoш бўлиб, унга нисбатан тергов ҳаракатлари бошланди.

Жиноят ишлари бўйича Чуст тумани суди Андрей Аникиннинг мажкур жиний ишнинг ўрганиб чиқиб, унга нисбатан олти йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Айни пайтда у панжара ортида қилмишларидан пўшаймон бўлиб, бошини ҳам қилганга ўтирибди. Аммо бир неча бор жиноят содир этган Андрей бу галги жазодан тўғри хулоса чиқарармикан? Бу саволга жавобни вақт кўрсатиши, шубҳасиз.

«Симоб операцияси»

Бир донишманд шундай деган экан: «Қарлаки ақл машаи порламас экан, у ерда эзулик ҳақида тасаввур ҳам, ҳатто унинг шарпаси ҳам бўлмайди». Балъан, дунёқарашнинг саёзлиги, маънан «оқсoқ»лик инсонни гиёҳвандликка бошлайди. Статистик маълумотларга қараганда, аксарият жиноятларнинг илдизи ҳам гиёҳвандликка бориб тақалар экан. Бу жirkanчлик ортидан бойиб қолмоқчи бўлганлар наркoбизнес орқали бутун инсоният ҳаётига хавф солаётганларини аниқлармиканлар?

Яқинда жиноят ишлари бўйича Когон туман судида гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шугулланган жиний тўда устидан ҳукм ўқилди. Суднинг қора курсисида ўтирганлар орасида 3 нафар фарзанднинг онаси Зумрад Холиқованинг борлигини кўриб, афсусланасан киши. Наҳот фаришталарга менгзалган, ҳаёт ёратувчиси — аёл оиналар бузғунчилиги, гўдакларни мажруҳ этиб, миллат генофондида ҳалокатли таъсир кўрсатувчи гиёҳвандлик жиноятига бош қўйса?!

Тошкент шаҳрида яшовчи Миршoҳид Маҳмамов тўда ташкилотчилардан бири. Зумрад Холиқова ҳам илгари гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда муомалага киритишдан иборат жиноятни содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум қилинган ва жазони ўтаган, бироқ бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган.

Асли сурхондарёлик бўлган бу аёл Тошкент шаҳрига тез-тез келиб турарди. Сафарларининг бирида таниши Дилдоранинг қвартирасида Жаҳоҳир ва Абдор исмли кимсалар билан танишиб қолади. Гап орасида йигитларга аёлининг таваккалчилиги маъқул

тушиб, асл мақсадга қўчалди:

— Опажон, бизда бир «таклиф» бор. Агар ҳоҳатимизни чиқарсангиз, пичоғингиз мой устида бўларди-да.

— Қандай таклиф экан?..

— Сизнинг таърифингизни эшитдик. Дилдоранинг айтишига қараганда, уйдабурон, чўртқесар аёл экансиз. 100 грамм «тера»дан керак. Бухорода бир «клиент» симобга бартер қилмоқчи.



— Олдиндан хизмат ҳақимни тўлаб қўйсангизлар, топиб бераман, — деди Зумрад Холиқова симобнинг дарагини эшитиб.

— Ие, опажон сизда гап қўпга ўхшайди. Хотиржам бўлинг, қуруқ қўймаймиз. Сизни ҳам хурсанд қиламиз. Фақат «дори»нинг тозасидан керак.

Улар аёлга айтган пулини бериб юборишди. Зумраднинг бунақа ишларга суяти «қотган» эди. Орадан кўп ўтмай 100 грамм гиёҳвандлик воситасини номаълум шахсдан сотиб олиб, тўда «гу-машталари» орқали Жаҳоҳир ва Абдорга етказди. Йигитлар «то-

Абдулла АЛЛАЕВ,

жиноят ишлари бўйича

Когон туман суди раиси

Шахло БАҚОЕВА,

журналист

вар» келгани ҳақида Миршoҳидга хабар беришди.

Қабиҳ ният бирлаштирган жиний тўда сўнгги «операция»ни муваффақиятли янгуллашга киришди. Топилган героин Бухорога етказилиши, унинг эвазига Саид исмли шахсдан 250 грамм симобни сотиб олиш керак эди. Бу гал ҳам иш силлиқ кечилишдан умидвор эдилар. Аммо, «симоб операцияси» якунига етмади. Режа амалга ошса, 250 минг АҚШ долларига эга бўлишни ҳаёл қилган жиноятчилар ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари кузатувида эканликларидан бехабар эдилар.

Суд ҳукми билан Миршoҳид Маҳмамов 10 йил 6 ойга, хавфли решидивист деб топишган Зумрад Холиқова эса 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Таниқли алибимини Абдулла Қаҳҳор: «Микроб қанчалик хавфли бўлса, уни шунчалик катта-лаштириб кўрсатадиган зарарин зарур» деган эди. Демаккимикки, гиёҳвандлик яраси гап-сўзга кетмасдан туриб, унинг аянчли оқибатларини бутун даҳшати билан кўра олишимиз, унга қарши курашимиз керак. Манфур кимсаларнинг қора қилмишини фoш этиш, зурриётларимизни баркамол этиш, соғлом турмуш тарзини яратиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, қушлар бирлашганда куларати бўлади. Ёвузлик, жаҳолат дояси — гиёҳвандликнинг илдизи қирқилади. Бунга ҳар бир киши англаши шарт.

Пенсия таъминоти — ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили

Кексайган, меҳнатга лаёқатини йўқотган, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлган фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга эканлиги Конституциямизда белгилаб қўйилган. Дарҳақиқат, мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатларини таъминлаш Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишини ташкил қилади. Ўзбек модели сифатида тан олинган, мустакил тараққиёт йўлимизнинг негизини ташкил этувчи машҳур беш тамойилдан бири - кучли ижтимоий сиёсат бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими бошлиги Роҳатой Набиева ушбу мавзуда бизни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

— Соҳага доир жорий этила-
ган қарор ва фармонлар, шунинг-
дек, қабул қилинган қонунларнинг
ижроси Пенсия жамғармаси
бўлими томонидан қандай йўлга
қўйилган?

— Бугунги кунда ҳам аҳоли-
ни ижтимоий муҳофаза қилиш-
ни такомиллаштириш борасида-
ги ислохотлар жадал давом эт-
моқда. Истиқболнинг дастлабки
кунларидан бошлаб юртимиз
ҳаётига кескин салбий кўрсатади-
ган оқибатларни имкон қадар ка-
майтириш, кўп болали ва кам
таъминланган oilалар, ёлғиз
кексалар, етим ва ногиронлар,
талаба ва пенсионерларнинг ман-
фаатларини ҳар томонлама ҳимоя
қилиш бўйича кенг қамровли
ишлар амалга оширилди. Жумла-
дан, "Фуқароларнинг давлат пен-
сияси таъминоти тўғрисида"ги,
"Фуқароларнинг жамғариб бори-
ладиган пенсия таъминоти тўғриси-
да"ги Қонунлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида дав-
лат пенсияларининг ягона тизи-
ми, уларни тайинлаш, ҳисоблаб
чиқиш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш
тартиби белгиланган бўлиб,
ушбу тадбирлар ҳақон молия-
вий-иқтисодий инқирози бош-
ланган мураккаб шaroитда ҳам
изчил давом этди. Юртобимиз
рахнамодига ишлаб чиқилган
Инқирозга қарши чоралар Дас-
турида мамлакатимизда меҳнат-
ни рағбатлантириш, иш ҳақини
кўпайтириш ва аҳоли даромад-
ларининг ўсишини таъминлаш
энг муҳим устувор йўналишлар
сифатида белгиланган.

Президентимиз Ислам Кари-
мовнинг 2009 йил 30 декабрда
қабул қилинган "Фуқароларнинг
пенсия таъминоти тизимини яна-
да такомиллаштириш чора-тад-
бирлари тўғрисида"ги Фармони
ушбу механизм самаралорлиги-
ни оширишни кўзда tutadi. Маз-
кур ҳужжатда пенсия таъминоти
tizimining ташкилий тузилма-
сини янада такомиллаштириш,
пенсиялар ва ижтимоий нафақа-
ларни бюджетдан ташқари Пен-
сия жамғармасидан ўз вақтида
молиялаштириш ҳамда уларни
тўлиқ ҳаҷмда тўлаш, шунинг-
дек, республика фуқароларнинг
пенсия таъминотида йўналтири-
ладиган маблағлардан мақсадли
foйдalанилиши устидан назo-
ратни кучайтиришга хизмат
қиладиган қатор ангиткиларни
жорий этиш белгиланган. Жум-
ладан, жорий йилнинг 1 яна-
ридан бошлаб пенсиялар, шу-
нингдек, ижтимоий нафақалар,
компенсация ва бошқа тўловлар-
ни тайинлаш, молиялаштириш,
уларнинг тўланишини ҳисобга
олиш ва мониторингини юри-
тиш вилоятлар, шаҳарлар ва ту-
манларда ташкил этиладиган

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан
ташқари Пенсия жамғармаси
бўлими томонидан амалга
oширилмоқда.

— Қабул қилинган фармонга
кўра Пенсия жамғармаси бўли-
маларига қандай вазифалар юк-
ланади?

— Фармонга кўра бюджетдан
ташқари Пенсия жамғармаси
зиммасига қўшимча равишда:
фуқароларнинг давлат пенсия
таъминотини ташкил қилиш,
фуқароларга пенсиялар, ижтимо-
ий нафақалар, компенсация ва
бошқа тўловларни тайинлаш,
қонун ҳужжатларида белгиланган
тартибда пенсиялар ҳамда бошқа
тўловларнинг миқдорлари қайта
ҳисоблаб чиқишини таъминла-
ш;

пенсиялар ҳамда бошқа тўлов-
ларни тўлиқ ҳаҷмда молиялаш-
тириш ва тўланишини ташкил
қилиш, улар бўйича ҳисоб ва
ҳисоботни юритиш;

пенсиялар тайинланиши ва
қайта ҳисоблаб чиқишини тиз-
имли асосда доимий таҳлил
қилиш ва мониторингини олиб
бориш, фуқароларнинг пенсия
таъминотида йўналтириладиган
мблағлардан қатъиян мақсадли
foйдalанилишини таъминлаш;
меҳнат майбонлиги ёки касб
касалиги оқибатидаги ногирон-
лик бўйича тайинланган пенсия-
ларни тўлашга маблағларни дав-
волат бўйича айбдор юридик ва
жисмоний шахслардан белгилан-
ган тартибда ундириб олишни
ташкил қилиш;

тиббий-меҳнат экспертизаси
хизмати фаолиятини ташкил
этиш каби вазифалар юкланди.

— Тизимдаги ислохотлар ту-
файли қўшимча қандай имкони-
ятлар яратилди?

Пенсия таъминоти тизимига
киритилган бундай янгилек дав-
лат томонидан фуқароларни иж-
тимоий муҳофаза қилиш самара-
дорлигини ошириб, фуқаролар-
га пенсия тайинлашининг амал-
даги тизими такомиллаштирил-
ди. Мамлакатнинг иқтисодий са-
лоҳияти ва фуқароларнинг иж-
тимоий муҳофазаси билан бо-
ғлиқ ушбу масалада белгиланган
қонун-қоидаларга қатъий амал
қилинишини таъминлаш муҳим
аҳамиятга эга. Фармонга мувофиқ
Молия вазирлигининг Бош на-
зорат-тафтиш бошқармаси тарки-
бида бюджетдан ташқари Пенсия
жамғармаси маблағларидан мақ-
садли foйдalанилиши устидан
назорат бошқармаси ва унинг
хулуқий бўлиналарида тегиш-
ли бўлилар ташкил қилиниши
белгиланди. Эндиликда:

Молия вазирлигининг Бош
назорат-тафтиш бошқармаси
зиммасига:

янги тайинланган пенсия ва
нафақаларнинг ҳисоблаб чиқи-
лиши, шунингдек, қонун ҳуж-
жатларида назарда тутилган имтиёз-
лар қўлланилиши тўғрисида,
шу жумладан, фуқароларнинг
пенсияга оид ҳужжатлар йиғма-
жилдида бирламчи ҳужжатлар-
нинг тўлиқлиги ва ишонарлиги-
ни текшириш йўли билан
ёппасига текширувлари амалга
oшириш;

мулкчилик шаклидан қатъи
назар, корхоналар, ташкилотлар,
муассасалар томонидан ишловчи
пенсионерларга пенсиялар ҳамда
нафақаларнинг ҳисоблаб ёзили-
ши ва тўланиши тўғрисидаги
режа асосида текшириб туриш;

фуқароларга пенсия ва нафа-
қалар, шу жумладан, банк ҳамда
почта муассасалари томонидан ўз
вақтида ва тўлиқ тўланишининг
тизимли мониторингини олиб
бориш, қоидабузарликлар аниқ-
ланганда қонун ҳужжатларида на-
зарда тутилган чораларни қўриш;
тиббий-меҳнат эксперт комис-
сиялари томонидан берилган тек-
ширув ҳужжатлари ва хулосаля-
рини, зарурат туғилганда, му-
стакил экспертизани жалб этган
ҳолда такоррий экспертизаларни
ўтказиш юзасидан қўшимча ва-
зифалар ҳам юклатилиши белги-
ланди.

Бу эса ўз навбатида, фуқаро-
ларга пенсия ва нафақаларнинг
ўз вақтида ҳамда тўлиқ тўлани-
шининг тизимли мониторинги-
ни олиб бориш, қоидабузарлик-
ларга қарши тегишли чораларни
қўриш имконини беради.

— Пенсия тайинлаш учун қан-
дай ҳужжатлар билан қаерда
муурожаат этиш керак?

— Авваллари пенсия олиш
ҳуқуқини қўлга киритган шахс-
лар туман (шаҳар) ижтимоий
таъминот бўлимидаги муурожаат
этишар эди. Эндиликда эса ки-
ритилган ўзгаришларга муво-
фиқ, бундай аризалар туман (ша-
ҳар) бюджетдан ташқари Пенсия
жамғармаси бўлимига берилади.

Пенсия тайинлаш тўғрисида-
ги ариза охириги иш жойидаги
корхона, муассаса, ташкилот
маъмурияти, фермер хўжалиги
бошлиги ёки қишлоқ хўжалиги
кооперативи (ширкат хўжалиги)
бошқаруви орқали берилади.

Иш вақтларини ҳисобга олиб

бўлмайдиган шахсларга ва улар-
нинг oila аъзоларига пенсия та-
йинлаш ҳақидаги ариза ариза-
чининг бевосита яшаш жойидаги
туман (шаҳар) бюджетдан таш-
қари Пенсия жамғармаси бўли-
мига берилади.

Пенсия тайинладиган шахс
балоғатга етмаган ёки ҳуқуқий
муомалага лаёқатсиз бўлган тақ-
дирда, ариза унинг ота-онаси ёки
васийси томонидан уларнинг
яшаш жойлари орқали берилади.

Шу билан бирга бир турдаги
пенсияни бошқа турдаги пенсия-
га ўтказиш, пенсияни қайта ҳи-
соблаш, илгари тўхтатиб қўйил-
ган пенсияни тўлашни тиклаш
ҳақидаги аризалар ҳам ариза-
чи яшаб турган жойидаги ёки унинг
қонуний вакили (ота-онаси ёки
васийси) яшаб турган жойидаги
бюджетдан ташқари Пенсия жа-
мғармаси бўлимига бериладиган
бўлади. Фуқаролар пенсия олиш
ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг
исталган пайтда пенсия тайин-
лашни сўраб муурожаат этишля-

ри мумкин. Ёшга доир пенсия
тайинланишини сўраб пенсия
ёшига тўлмасдан аввал ҳам му-
урожаат этиш мумкин, лекин бу
мазкур пенсияни олиш ҳуқуқи
пайдо бўлишидан бир ойдан ол-
дин бўлмаслиги керак. Агар ту-
гилганлик вақтини кўрсатувчи
ҳужжатда аниқ кун кўрсатилмай,
фақат ой кўрсатилган бўлса, те-
гишли ойнинг 15 кунини туғилган
кун ҳисобланади. Тақдим этилган
ҳужжатда фақат туғилган йили
кўрсатилиб, туғилган ойи кўрсат-
тилмаган бўлса, шу йилнинг 1
июли туғилган кун ҳисобланади.
Пенсия тайинлаш учун тегишли
ҳужжатлар нотариал идора ёки
бўлим томонидан тасдиқланиши
мумкин.

— Пенсия тайинлаш ёки
қайта ҳисоблаш доир ҳуж-
жатларни қўриб чиқиш қанча
вақт қўзғилиши мумкин?

— Пенсия тайинлашга доир
ҳужжатлар бўлим томонидан рас-
мийлаштирилади. Пенсия тайин-
лашни (бир турдан иккинчи тур-
га ўтказиш) сўраб ёзилган ариза
билан бирга тегишли ҳужжатлар
топиширилган. Ўзбекистон Рес-
публикаси "Фуқароларнинг дав-
лат пенсия таъминоти тўғриси-
да"ги Қонуннинг 45-моддасига
мувофиқ, пенсия тайинлаш
тўғрисидаги ҳужжатлар улар туш-
ган кундан эътиборан 10 кундан
кечиктирмасдан қўриб чиқилади.

Пенсия тайинлаш рад этилган
тақдирда ижтимоий таъминот
бўлими тегишли қарор чиқари-
лгандан кейин беш кун ичида
корхона, ташкилот ёки ариза-
чига пенсия тайинлаш рад этилган
иш ҳақида рад этиш сабаблари ва
шикоят бериш тартиби кўрсати-
лган хабарнома беради ёки
жўнатилади ҳамда аниқ чоғда бар-
ча ҳужжатларни қайтаради.

— Пенсионер янаб турган
жойини ўзгартирганили муноса-
бати билан пенсия ишини ҳисоб-
дан чиқариш ва ҳисобга қабул
қилиш жарайни қандай амалга
oширилади?

— Нафақа олувчи ёки пен-
сионер доимий яшаш учун бошқа
туманга (шаҳарга) кўчиб кетаёт-
ганда пенсия ишини ҳисобдан
чиқариш тўғрисида ариза (ёки
кўчиб кетаётган жойидаги бўли-
дан сўровнома) беради. Кўчиб
кетаётган пенсионерга у аввал
рўйхатда турган бўлим томони-
дан рўйхатдан чиққан ойнинг
пенсияси тўлаб берилади. Пенсия
иши фақатгина фуқаро яшаш
жойини республика ҳудудида
ўзгартирган тақдирда янги яшаш
жойига берилади.

"Фуқароларнинг давлат пен-
сия таъминоти тўғрисида"ги
Қонуннинг 64-моддаси талабига
мувофиқ, чет элга доимий яшаш
учун қибчи кетишдан олдинроқ
тайинланган пенсиялар туман
(шаҳар) ижтимоий таъминот
бўлимига қибчи кетиш тўғриси-
да ариза берилган кундаги ҳолат-
га кўра пенсия миқдори ҳисоби-
дан чет элга қибчи кетиш олди-
дан 6 ой аввал тўланади.

Бу фуқароларнинг чет элга
бўлган вақти учун, агар давлат-
лараро битимларда (шартнома-
ларда) ўзга қоидалар назарда ту-
тилмаган бўлса, меҳнатда ма-
йибланиш ёки касб касалиги
оқибатида тайинланган пенсия-
ларига тўланади.

— Агар пенсия тайинлаш рад

этишля-чи?

— Агар ҳолимга пенсия та-
йинлаш рад этилган бўлса, бу
ҳақда унга рад этиш сабаблари
кўрсатилиб, ёзма равишда хабар
берилади. Пенсия тайинлаш учун
муурожаат қилувчи маъмурият
қароридан норози бўлса, у пен-
сия тайинлаш тўғрисидаги ариза-
ни яшаш жойидаги бюджетдан та-
шқари Пенсия жамғармаси бўли-
мига бевосита бериши мумкин.

Пенсияни тайинлаш, қайта
ҳисоблаб чиқиш, илгари тайин-
ланган пенсия тўловини қайта
тиклаш, бир турдаги пенсиядан
иккинчи турдаги пенсияга ўтқа-
зиш рад этилган ҳолларда бюд-
жетдан ташқари Пенсия жамғар-
маси бўлими тегишли қарор чи-
қариладиган сўнг 5 кундан кечик-
тирмай корхонага ёки ариза-
чига рад жавоби берилишининг саба-
би, шикоят қилиш тартиби
кўрсатилган билдирishi хати то-
пиширни ёки жўнатиши ва аниқ
вақтда барча ҳужжатларни қайта-
риши керак.

— Чет эл фуқароларига ҳам
пенсия тайинланадими?

— Албатта. "Фуқароларнинг
давлат пенсия таъминоти тўғриси-
да"ги Қонуннинг 1-моддасига
мувофиқ, Ўзбекистон Республи-
касида доимий яшаш турган чет
эл фуқаролари ва фуқаролиги
бўлмаган шахслар, башарти, дав-
латлараро битимлар (шартнома-
лар)да ўзгача қоидалар назарда
тутилмаган бўлса, Ўзбекистон
Республикаси фуқаролари билан
тенг равишда пенсия олиш
ҳуқуқига эгаларлар.

Иш стажига эга бўлмаган фу-
қаролар ва уларнинг oilалари
ушбу Қонунга биноан давлат
пенсиялари олиш ҳуқуқига эга
эмаслар. Уларнинг ижтимоий таъ-
минланиш тартибини Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳма-
маси белгилайди.

— Айтинг-чи, ҳеч қаерда иш-
ламайдиган ёки пенсия олувчи
фуқаролар давлатдан моддий
ёрдэм олишлари мумкинми?

— Бундай шахсларга имтиёз-
лар берилади. Пенсия жамғар-
маси бўлими томонидан ҳудудда аҳо-
лининг муҳтож қатламларини
қўллаб-қувватлаш масаласида ма-
ҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг
ўзини-ўзи бошқарishi органлари,
хўжалик субъектлари, хайрия ва
бошқа жамоа ташкилотлари би-
лан ҳамкорлик қилади. Нуруний-
ларга, ён-атрофимизда ёрдамга
эҳтиёж сезиб яшашган ёлғиз ке-
ксалар ва ногиронларга зарур кўмак
ҳамда маънавий мадад бериш ма-
саласи давлатимиз раҳбарининг
доимий эътиборида. Кўни кеча
Ўзбекистон Республикасининг
"Фуқароларнинг пенсия таъмини-
ти тизими такомиллаштирилиши
муносабати билан Ўзбекистон
Республикасининг айрим қонун
ҳужжатларига ўзгаришлар кири-
тиш тўғрисида"ги Қонун эълон
қилинди. Эл-юртимизга хизмати
синган, катта ҳаётини ўғитларига
билан ёшларга ибрат бўлиб кела-
ётган муҳтарам фахрийлар ва пен-
сионерларни ҳар томонлама
қўллаб-қувватлаш, уларнинг со-
ғлом ва мазмунли умр кечириш-
лари учун барча шарт-шароитни
яратиш йўлидаги изчил саъй-
ҳаракатлар бунинг ёрқин далили-
дир.

Гули ҲОЖИБОЕВА

суҳбатлашди

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК Сирдарё вилоят филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2010 йил 19 октябрь куни соат 11:00 дан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик Аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилди.

1. Гулистон тумани, Деҳқонобод шаҳарчасида жойлашган "Гулистон тумани МТП" ОАЖга қарашли бўлган "Сауна" биноси, бошланғич баҳоси - 47 564 418 сўм.

Якка тартибда уй жой қуриш учун ер майдонлари.

2. Бовсут шаҳарчаси, "Маънавият" маҳалласида жойлашган сатҳи 0,06 гадан иборат 23 та ер майдони, ҳар бирининг

бошланғич баҳоси 60 480 сўм, сатҳи 0,055 гадан иборат 2 та ер майдони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 55440 сўм.

3. Ширин шаҳар, "А.Набиев" маҳалласида жойлашган сатҳи 0,06 гадан иборат 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси 110000 сўм.

4. Бовсут тумани, "Навбахор" СФУда жойлашган сатҳи 0,06 гадан иборат 50 та ер майдони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 45 000 сўм.

5. Бовсут тумани, "Тараққиёт" СФУ, "Тех Сервис" ҳудудиде жойлашган сатҳи 0,04 гадан иборат 8 та ер майдони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 40 000 сўм.

6. Гулистон тумани, "А.Турдиев" ҚФЙ, Фуқрат маҳалласидан сатҳи 0,06 гадан иборат 44 та ер майдони, ҳар би-

рининг бошланғич баҳоси 70 740 сўм.

7. Сайхунбод тумани, "Ўзбекистон" ҚФЙ, Паймарт маҳалласидан сатҳи 0,06 га. иборат 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси 72 900 сўм.

Ушбу кунда сотилмай қолган объектларнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 26 октябрь, 2, 9 ноябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Талабномалар қабул қилиш "Сауна" биноси учун савдо бошланишидан 3 соат олдин, ер майдонлари учун савдо бошланишидан 3 кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-

Auksioni" ДК Сирдарё вилоят филиалининг ДАТ "Асака банк" Гулистон филиалидаги МФО-00373, СТИР-206761326, 20210000904537599007 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топшириш керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, jisмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: 120100, Гулистон шаҳри, III-мавзе, "Бизнес маркази" биноси, 2-қават, 10-11-хона. Тел/факс: (8367) 221-04-01, 26-52-98 Email: info@mulk.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкини Бошқариш Давлат Қўмитаси Республика Кўчмас мулк биржаси ЁАЖ Наманган вилояти филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде 2010 йил 21 октябрь куни соат 10:00да ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига ДМҚ Наманган вилоят ҳудудий бошқармасининг тегишли бўйруғига асосан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун, сотиш ҳуқуқсиз, якка тартибда уй жой қуриш учун сатҳи 0,04 гадан иборат бўлган Поп тумани Пахтабод қ.ф.й. Тура қишлоғи 189-дала контур ҳудудидан 1, 2, 3, 4-сонли жами 4 та ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 100 000 сўм.

Юқоридаги ер майдонлари 2010 йил 21 октябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 4 ва

11 ноябр кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидиган талабгорлар савдо ташкилотисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак: Қўрсатилган ер майдони сотиб олиш учун ариза; Харидорнинг ҳуқуқий ҳужжат (паспорт)дан 2 донга нусха; Савдо ташкилотисининг АТИБ "Ипотека банк" Наманган бўлимидаги МФО: 00223, ИНН: 200933850, Х/р: 20210000600571452072 ҳисоб рақамига 50% миқдорда зақолат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси. Аризалар маъмур эълон чоп этилган кундан эъти-

боран, Поп шаҳри Хазратибоб кўчаси, 1-уй ("Маиший хизмат кўрсатиш уйи" биноси)да "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш Маркази Поп туман бўлими"да ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 10:00 дан 17:00 га қадар (телефон 43-31-167); Шунингдек, ҳар кун (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 га қадар қўчмас мулк биржаси Наманган филиалида қабул қилинади.

Аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун аввал тўхтатилади. Манзил: Наманган шаҳар, Ноҳира кўчаси 3-уйнинг 4-қавати. Телефонлар: 8-369 226-54-47, 226-27-01, www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкини Бошқариш Давлат Қўмитаси "Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ Хоразм вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

РКМБ ЁАЖ Хоразм вилоят филиали ва ДМҚ Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда, 2010 йилнинг 21 октябрь куни соат 11:00 да Урганч шаҳри Й.Бобожонов кўчаси 23-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосида мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун қуйидаги ер майдонларини очик аукцион савдосини такроран ташкил қилмоқда: 1. Богот тумани "Кулан-қоробот" қишлоғи ҳудудидан, ҳар бирининг юзаси 600 кв.метр бўлган (шундан

400м² якка тартибда уй жой қуриш учун ва 200 м² деҳқон ҳўжалиги юртиш учун) №3, 19, 59-ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 150.000 сўм. 2. Янгиариқ тумани "Чикирчи" қишлоғи "Тузлок" аҳоли пункти ҳудудидан, ҳар бирининг юзаси 600 кв.метр бўлган (шундан 400м² якка тартибда уй жой қуриш учун ва 200м² деҳқон ҳўжалиги юртиш учун) № 2, 27 ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 200 000 сўм.

Юқоридаги ер майдонлари 2010 йил 21

октябрдаги очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотилмаган ер майдонларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдолари 2010 йил 28 октябрь, 04, 11, 18, 25 ноябрь кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашувчилар қуйидагиларни тақдим этишлари шарт. Қўрсатилган ер майдонини сотиб олиш учун ариза, ҳуқуқий ҳужжати нусхаси. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш аук-

цион савдосига уч кун қолганда тўхтатилади. Бошланғич баҳонинг 100 фоизи миқдорда гаров пулини РКМБ ЁАЖ Хоразм вилояти филиалининг МФО: 00580, ИНН: 200933850, АТИБ "Ипотека" банки "Тинчлик" филиалидаги 20210000700571452056 ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжатининг асл нусхаси. Манзил: Хоразм вилояти Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Тел: 8(362)226-43-64 Лицензия: DB 001 №000004. www.rkmb.uz

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, каластр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютаси оид жиноятларга ва жиноий даромадларини легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамга қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоний вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини қунидалик навабчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

ОБУНА —2011

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бугун олдимизда турган устувор вазифалардан эканлиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий нашрлар қатори "HUQUQ" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкламоқда.

Шу маънода, "HUQUQ" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясида оид энг сара, таҳлилий мақолалар газеталар эътиборига ҳавола этиб келишмоқда. Шунингдек, таҳририятимизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.

2011 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади.

ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари Ерпўлат Қаипбергеновга падари бузруквори, Ўзбекистон Қаҳрамони

Тўлеберген ҚАИПБЕРГЕНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

«HUQUQ» газетаси таҳририяти таърифида журналистларини

Андожон, Бухоро, Жиззах, Навоний, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё

вилоятлари бўйича муҳбирлик лавозимларига ишга таклиф қилади.

Талабгорлар қуйидаги маълумотлар кўрсатилган резюмеларини huquq.uz@gmail.com электрон манзилига юборишлари мумкин.

1. Ф.И.Ш.
2. Манзили;
3. Фотосурати;
4. Маълумоти (ўқув муассаса номи);
5. Иш стаж (фаолият даври, ташкилот номи);
6. Охири чоп этилган материаллари (қачон ва қайси нашрда);
7. Компьютерни билиш даражаси;
8. Телефон рақами;
9. Қизиқишлари.

Резюмелари мос келмаганларга жавоб қайтарилмайди.

Ибратли умр



Кўплаб шоғирлар тайёрлаган, ўз иш тажрибалари билан барчага намуна бўла олган инсонлар ораимизда талайгина. Бундай кишиларни биз устоз дея улуглар эканмиз, келажакда улардек устоз бўлишга ҳаракат қиламиз...

Бугун улуг 80 ёшни қаршилаётган Абдулла ака Давлатов 58 йиллик меҳнат фаолиятининг қарийб 45 йилини Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимига бағишлади. У киши Хоразм вилоят прокурорининг махсус ишлар бўйича ёрдамчиси, Республика Бош прокурорининг махсус ишлар бўйича ёрдамчиси, бошқарма бошлиғи ўринбосари, Хоразм вилоят прокурорининг ўринбосари, вилоят прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қошидаги sobiq «Қонунчиликни мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази» бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди.

Амалиётини илмий тадқиқот ишлари билан бирга олиб борган Абдулла ака 1970 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. Меҳнатлари самараси ўлароқ 1982 йилда доцент илмий унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, у киши тайёрлаган шоғирлар ҳозирги кунда Республиканинг маъмурий органларида муносиб хизмат қилишмоқда.

Абдулла ака, гарчи муборак саксон ёшни қаршилаётган бўлсада, ўз изланишларини тўхтатмай, Ватанимиз равнақи йўлида ҳорам-толмай меҳнат қилиб келмоқда. Устоз 2004 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш марказида кафедра мудури лавозимиде фаолият юритмоқда.

Абдулла аканинг узоқ йиллик меҳнати ҳукуматимиз ва Бош прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, турли унвонлар, орден ва медаллар, фахрий ёрликлар, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ҳурматли Абдулла ака, бундан буён ҳам бой билим ва тажрибангиз, маслаҳатларингиз билан ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўз ҳиссангизни қўшаверасиз, деган умиддамиз.

Табаддул 80 ёшингиз муборак бўлсин! Қўтлов ила Сизга оилавий тинчлик-тотувлик, мустақам соғлиқ, узоқ умр тилаб қоламиз.

Навқиронлик тарк этмасин



Камтарлик, фидойилик ва хизмат бурчиға садоқатли бўлиш — масъулиятни талаб этади. Ана шундай хислатни ўзида муҳассам эта олган Гулнора опа Умарова ҳам бутун муборак 70 ёшни қаршиламоқда. Ўқоринда тилга олганимиздек, Гулнора опа фаолияти давомида топширилган ўз вақтида, сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилди. Касбига содиқлик, ишига масъулият билан ёндашиб, ишларнинг тўғри ташкил этилишида, айниқса, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида самарали меҳнат қилди.

Гулнора опа Умарова прокуратура органларидаги 30 йилдан ортқ иш фаолияти давомида Чилонзор туман прокурори ёрдамчиси, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим бошлиғи, Қўнбишев (ҳозирги Мирзо Улуғбек) туман прокурори ўринбосари, Республика Бош прокуратурасида бошқарма прокурори ва катта прокурор лавозимларида хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида шоғирлар тайёрлади, улар билан иш тажрибаларини ўртоқлашган ҳолда тўғри ва виждонан ишлашни ўргатди.


У киши ўзининг инсоний фазилатлари билан жамоадoshлари орасида ҳурматга сазовор бўлди. Шунингдек, прокуратура органларида олиб борган меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Гулнора опа! 70 ёшингизда ва бундан кейинги улуг ёшларда ҳам ҳамisha навқирон ва тетик бўлиб юришингизни тилаб қоламиз.

Сизга хотиржамлик, сиҳат-саломатлик тилаб муборак ёшингиз қўтлуг бўлсин, деймиз!

Республика Бош прокуратураси жамоаси ва
Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

16 сентябрь — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш кун

Сайёрамизнинг
ҳимоя қобиғи

лик, самолёт-созлик, машина-созлик, саноат корхоналари, яъни ёқилғи энергетика мажмуаларидан чиққан зарарли газлар атмосферага ифлослантира бошладилар.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

инфрақизил ва ультрабинафша нурларидан иборат. Агар ультрабинафша нурлар кучсиз бўлса, инсон организми учун фойдали, яъни иммунитетни оширишга хизмат қилади. Энг асосийси, у «Д» витаминини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Аммо ҳамма нарсанинг мейёрида бўлгани яхши деганларидек, ультрабинафша нурининг кўпайиб кетиши натижасида инсон организмиде турли хил юқумли касалликларга қарши қўрилиш қобилияти суяйиб, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, ўткир қўш нурлари кўз гавҳарини хиралаштиради. Шунинг учун ёш ойлариде кўзни қўш нуридан сақловчи кўзойнақ тақийш ва бош кийим кийиб юриш лозим.

БМТ 2006 йили «Экология ва қайталанувчи энергия 10 йилдиги» деб эълон қилган эди. Ўзбекистонда қайталанувчи энергия манбалари - қўш ва шамол энергияларини электр энергиясига айлантириш устида қўллаб илмий изланишлар олиб боришмоқда. Қайталанувчи энергия озон қатламини ҳимоя қилишда энг мақбул усуллардан ҳисобланади. Жаҳондаги қўллаб илмий марказ, илмий-тадқиқот институтларининг олимлари ва мутахассислар ноъанавий усулда электр энергияси яратиш борасида тадқиқотлар олиб боришяпти.

Маълумки, БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) 1985 йилда озон қатламини муҳофаза этиш тўғрисида Вена конвенциясини қабул қилди. Унга 1987 йилда Копенгаген тузатишлари киритилди. Ўзбекистонда ҳам 1995 йилда бу халқаро ҳужжат ратификация қилинди. Унга кўра, саноатчи ривожланган мамлакатларда озон қатламини сиқраклаштирувчи хлор-фтор-углерод моддаларини ишлаб чиқариш ва сотиш тақиқланади. Шунингдек, озон қатламини сиқраклаштирувчи боза моддаларини ҳам аста-секин тўғатиш устида иш олиб борилапти.

Инсоннинг самога етказган жароҳати тезда битмайди. Чунки озон қатламини емирандиган моддалардан фойдаланиш ва уларнинг ажралиб чиқишини камайтиришга қарши халқаро ташкилотлар курашса ҳам атмосферага ҳозирги кунга қалар чиқарилган кимёвий моддаларнинг таъсири яна кўп йиллар давом этиб, инсоният ҳаётига таҳдид солиб туради. Чунки бир қарашда борлиқ чексиз, чегарасиздек туюлсада, аслида осмон ҳам инсоннинг меҳр-шафқатига муҳтож. Ҳавонинг софлиги одамзот саломатлигининг гаровидир. Озон қатламини эса ермингизни қўришаб турган ҳимоя қобиғи ҳисобланади. Шундай экан, уни асраб-авайлаш учун ҳар биримиз масъул бўлмоғимиз даркор.

Бугунги кунда дунё ҳамжа миятини қийнаётган энг катта муаммолардан бири озон қатламини емирилишининг олдини олиш муаммосидир. Чунки, озон қатламини муҳофаза қилиш - ерда ҳаёт ва келажак авлод муҳофазасидир. Фандан маълумки, атмосферанинг ҳимоя қатламини мавжудлиги ҳисобига ерда ҳаёт давом этмоқда. Озон қатламини ерни қўйишдан келадиган зарарли ультрабинафша нурлардан сақлайди. Демак, табиат, инсоният - ер курашисидеги тиррикликнинг тақдири айнан унга боғлиқ.

Хўш, озон ўзи нима? Мутахассисларнинг фикрича, озон газсимон, ўзига хос ҳидли модда. Унинг молекуласи 3 кислород атомидан иборат. У сайёрамизнинг ҳаво қобиғисидеги кислород ҳавосидан пайло бўлади. Табиатда озон қатламини мавжудлигини дастлаб 1785 йилда голландиялик олим М.Марум аниқлаган. Агар бу ҳимоявий қатлам емирилиб кетса, қўйишнинг ультрабинафша нурлари мавжуд тиррикликнинг катта қисмини ноубуд қилиб юборади. Озон молекулалари атмосферадаги табиий жараён тўғрисида мунтазам ҳосил бўлади ва парчаланadi. У ҳавонинг бепеён макониде жуда оз миқдорда тарқалган бўлиб, асосан 20-32 километр баландликда учрайди. Ундан юқорида эса нисбатан кам учрайди. Қўйишнинг ультрабинафша нурлари кислород молекулаларини атомларга бўлиб юборгандан кейин улар кислороднинг бошқа молекулалари билан бириккиб, озон ҳосил қилади.

Атмосферада мавжуд бўлган озон миқдори 3 миллиард тоннадан иборат бўлиб, у ҳавонинг миллиондан уч фоизини ташкил этади. Озон қатламининг сиқраклашиши ва туйнук ҳосил бўлишига нима сабаб бўлмоқда, деган савол туғилиши табиий.

Дунё олимларининг тадқиқотлари натижаси шунки кўрсатаяптики, ер юзиде кескин иқлим ўзгариши ва глобал исиш жараёни рўй бермоқда. Кейинги юз йилда ҳароратнинг +1 градулгеа кўтарилиши табиатда турли хил экологик ҳалокатларни келтириб чиқараяпти.

Нега ер шариде глобал исиш рўй берди? 1900-2000 йилларни, яъни бир аср оралигини олиб қўрайлик. Инсон техника тараққийга эришди, машина, самолётни кашф этиди. Ички ёнғувчи энергия яратилди. Тараққийнинг интенсив ривожланиши кесмасоз-

янгиликларини инсоннинг турмуш даражасини яхшилаш билан бирга атроф-муҳит ва табиатга ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Масалан, ўтган асрнинг 50-йилларида марказлашган исиқлик энергиясининг жорий этилиши, 1960-1980 йилларда ёлпасига газлаштириш - ҳаммаси ҳавога «чиқинди» чиқарди. Уни ифлослантирди. Ер, сув, тупроққа таъсир қилди. Ерда ҳосил бўлган бундай «чиқит»лар ҳавога кўтарилиб, озон қатламининг емирилишига олиб келди. Вулқон отилиши ҳам озон қатламининг емирилишига сабаб бўладиган омиллардан биридир. Вулқон отилиши жараёнида таркибиде олтингугурт бирикмалари бўлган газлар самога кўтарилади. Уларнинг ҳаводаги бошқа газлар билан аралашishi натижасида озонни емирувчи сульфатлар ҳосил бўлади. Шунингдек, 20-аср мўъжизаси ҳисобланган космик кемаларнинг учурилиши жараёнида самога юзлаб тонна озонни емирувчи кимёвий моддалар тарқалади. Ҳисоб-китобларга қараганда, ракета бир парвози давомида 10 минг тоннага яқин озонни емиран экан. Кундалик ҳаётимизда кенг фойдаланиладиган маиший техника воситаларидан бири бўлган музлаткичларнинг ҳам озонга салбий таъсири бор. Совутиш мосламаси сифатида фойдаланиладиган моддалар озон билан реакцияга киришиб, уни емиради.

АҚШнинг аэроавиатика ва косинотни тадқиқ қилиш миллий бошқармаси НАСА нинг маълумотларига қараганда, озон қатламини йилгига 1 фоизга камайиб бормоқда. АҚШ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлигининг текширишлари атмосферага чиқариб юборилаётган хлор-фтор углеродлари миқдорининг 2,5 фоизга кўпайиши натижасида 2075 йилга бориб озон миқдорининг 19 фоизга, 2100 йилда эса 30 фоизгача камайиб кетишини кўрсатмоқда.

Озон қатламининг сиқраклашиши ва унда туйнук пайло бўлиши иқлимнинг ўзгаришига, натижада ҳайвонот ва наботот оламнинг зарарланишига ҳамда аҳоли орасида турли хил касалликлар кўпайишига олиб келаяпти. Ҳозирги кунда энг катта озон туйнуклари Ер шарининг жанубий ва шимолий қутбларида қайд этилган. Бу ҳудудларда қўш нурунинг ҳеч қандай тўсиқсиз ерга етиб келиши ҳаво ҳарорати кўтарилиши ва асрий музликларнинг эришига сабаб бўлмоқда. Қўш спектри

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Xusrof ZOIROV,
Gulnoza RAHIMOVA, Mustafboy G'OIPOV,
Svetlana ORTIQOVA,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2009 yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqir
qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosish
faqat tahririyat ruxsati bilan amalga
oshiriladi.
① — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun
tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-113. 23.497 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: S.BOBONOV
Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Navbatchi: O'.DEHONOV

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.

Sotuvda
kelishilgan narxda

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9